

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ  
“Археология ва этнология” кафедраси**

**Мамасалиева Гулчирой Махаммаджон қизи**

# **МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ**

**Мавзу: Ю.Ф.Буряковнинг Тошкент воҳаси антик  
даври археологиясининг ўрганишидаги аҳамияти**

**Илмий раҳбар: ўқ.Мўминов О.Ў.**

**Тошкент 2014**

## **МУНДАРИЖА**

### **КИРИШ**

### **I БОБ. Ю.Ф. БУРЯКОВ ТОМОНИДАН ТОШКЕНТ ВОҲАСИ ҚАДИМГИ ДАВРИ АРХЕОЛОГИК ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ**

1.1 Тошкент воҳаси антик давр тарихининг ўрганилиш даражаси

1.2. Тошкент воҳаси археологик ёдгорликларида олиб борилган тадқиқот ишлари тарихи

### **II БОБ. Ю.Ф. БУРЯКОВ ТОМОНИДАН ТОШКЕНТ ВОҲАСИДА ОЛИБ БОРИЛГАН ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ НАТИЖАЛАРИ**

2.1 Бурғулуқ ва Қовунчи археологик комплекслари

2.2 Тошкент воҳасидаги урбанизация жараёнлар

### **ХУЛОСА**

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

**Илова**

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини эълон қилгандан сўнг тарихчи мутахассис олимлар зиммасига Ватанимиз тарихи ва маданиятини объектив ва холисона ёритишдек улкан вазифалар юкланди. Натижада моддий ва маънавий маданият, ижтимоий-иқтисодий, ғоявий ва этник масалаларни ўзида мужассам этган ўтмиш тарихимизни янги илмий қарашлар, илмий ғоя, собиқ шўролар даври тарихшунослигига танқидий ёндашиш ва манбаларни янгича методологик жиҳатдан илмий таҳлил этиш асосида ўрганиш анъанаси кучайди. Республикамиз президенти И.А.Каримов: -“Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб ўзликни англаш мумкин эмас”<sup>1</sup>, деганларидек Ватанимизнинг таркибий қисми бўлган Тошкент воҳасининг қадимги ва ўрта асрлар даври археологик ёдгорликлари, хусусан, антик даврига оид шаҳар, қишлоқ, қўрғон, диний ишшоотлар, тоғ-кон манзиллари ўрганиш орқали қадимги даври тарихи ва маданиятини ёритиб бериш тарихчи мутахассис олимлар олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистоннинг қадимги тарихи, маданияти, қадриятлари, ўзбек халқининг келиб чиқиши, ўзаро иқтисодий ва маданий алоқалар мавзуларга катта диққат-эътибор пайдо бўлди. Ватанимиз қадимги тарихини холисона ва ҳаққоний ёритиш, унга адолат нуқтаи назаридан ёндашиш ва баҳо бериш олдимизга улкан вазифалар қўймоқда.

Ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешиklarидан бири бўлганлигини бутун жаҳон тан олмақда. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган ва сайқал топган .<sup>2</sup>

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг қадимги тарихини чуқурроқ ўрганиш энг муҳим масалалардан ҳисобланади. Жумладан, ўзбек

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т; “Шарқ”, 1998, 29 бет.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т; “Шарқ”, 1998, 3-б.

археологларилинг, ўлкамизда антик даври маданиятининг бўлиши мавзуларида ўтказган илмий тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эгадир.

**Мавзунинг долзарблиги:** Тошкент воҳаси ўзининг кўҳна ва бой тарихига эга. Бу кўҳна воҳа ўзининг узоқ тарихи давомида қадимги ва илк ўрта асрлар босқичида Ўрта Осиё цивилизациясида муҳим сиёсий, иқтисодий, ижтимоий этник ва маданий аҳамият касб этган минтақа бўлган. Шу сабабли тарих фанлари доктори, академик Юрий Федорович Буряковнинг Тошкент воҳаси антик даври археологик ёдгорликларини ёритишда муҳим аҳамият касб этади. Ю.Ф. Буряков Тошкент воҳаси қадимий шаҳарлари тарихини ўрганишда турли манбалар билан бирга археологик маълумотларга ҳам таянади. Тошкент воҳаси антик давр тарихини ёритишда воҳанинг қадимги пойтахти Канка ёдгорлигида Ю.Ф. Буряков томонидан олиб борилган археологик тадқиқот натижаларини ўрганиш долзарб вазифалардан биридир.

Ю.Ф. Буряков кўп йиллар мобайнида Тошкент воҳаси антик даври тарихини ўрганиш борасида кенг қамровли илмий тадқиқотларни амалга оширди. Бунинг самараси ўлароқ, ЮНЕСКО Бош конференцияси томонидан Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлаш ҳақида қарор қабул қилинди.

Шу сана муносабати билан Ўзбекистон Республика Президенти ташаббуси билан Тошкент шаҳрининг тарихий ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш ишлари амалга оширилди.

Ҳозирги кунда Ю.Ф. Буряков томонидан милоддан аввалги IV-милодий IV асрларга оид кўплаб тадқиқотлар олиб борилди ва бунинг натижасида анчагина маълумотлар олинди. Улар Тошкент воҳаси антик даври тарихига оид археологик муаммоларни ечишга муваффақиятли хизмат қилдилар. (манзилгоҳлардаги маданий қатламларни стратиграфиясини, топилмаларни, ёдгорликлар ёшини аниқлашда ва бошқалар).

**Битирув малакавий ишининг объекти тавсифи:** Тошкент воҳасининг антик даври археологик ёдгорликлари.

**Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари:** Ю.Ф. Буряков томонидан олиб борилган археологик тадқиқотлар ва ёзма тарихий маълумотларини умумлаштириш, Тошкент воҳаси тарихини янги саҳифаларини ёритиш учун қуйидаги мақсад ва вазифалар белгиланди:

- Ю.Ф. Буряков раҳбарлигида Канка ёдгорлигида олиб борилган археологик изланишлар натижаларини таҳлил қилиш, уларни ёзма манбалар маълумотлари билан солиштириш;
- Айрим илмий тўламларда ва кўп сони тарқоқ мақолаларда ўз аксини топган манбаларни ва маълумотларни чуқур ўрганиб, Канканинг Тошкент воҳасидаги муҳим ва йирик маданий шаҳар сифатидаги тарихини ёритиш;
- Ю.Ф. Буряков тадқиқотларининг антик давр тарихида тутган ўрни ва аҳамиятини янги асосда ёритиш;

**Мавзунини ўрганиш даражаси:** Ю.Ф. Буряков кўп йиллар мобайнида Тошкент воҳаси тарихини ўрганиш борасида кенг қамровли илмий тадқиқотларни амалга оширди.

Р.Ҳ. Сулейманов XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб Тошкент воҳаси худудида ўтказиб келинаётган археологик экспедицияларга раҳбар бўлиб олий мақсадни кўзда тутган ҳолда қазилма ишларини олиб борди.

Турли йиллардаги изланишлар якунлари Ю.Ф. Буряков илмий асарларида ўз аксини топган.

**Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги:** Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги шундан иборатки, ушбу ишида Ю.Ф. Буряков томонидан амалга оширилган археологик тадқиқотлар натижаларини, чоп этилган турли хил маълумотларни умумлаштириб, Тошкент воҳаси антик даври тарихини янгича ёндошув асосида ёритишга ҳамда Канка ёдгорлигида олиб борилган археологик қазув ишлари ва уларнинг натижалари аниқ тарихий жиҳатдан жамланган ҳолда ўрганишга ҳаракат қилинган.

**Битирув малакавий ишининг тузилиши:** Ушбу битирув малакавий иши кириш, икки боб, тўрт бўлим, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова қисмларидан иборат.

# **I БОБ. Ю.Ф. БУРЯКОВ ТОМОНИДАН ТОШКЕНТ ВОҲАСИ ҚАДИМГИ ДАВРИ АРХЕОЛОГИК ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ**

## **1.1 ТОШКЕНТ ВОҲАСИ АНТИК ДАВР ТАРИХИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ДАРАЖАСИ**

Ўзбекистан диёри ўзининг қулай географик ўрни, фусункор табиати, бой хайвонот олами, ер ости бойликлари туфайли бундан миллион йил илгариёқ одамларни ўзига жалб қила бошлаган. Қадимий дехқончилик маданияти, ривожланган шаҳарсозлик, юксак моддий ва маънавий маданиятли тамаддун шаклланган бу ўлкада Бактрия, Сўғд, Хоразм ва Фарғона сингари шаҳарлашган тарихий-маданий минтақалар равнақ топган. Тошкент воҳаси ана шундай минтақалар сирасига киради, қадимги Чоч давлати айнан шу воҳада жойлашган.

Тошкент воҳасининг тарихи ва маданияти қазиб очилган ёдгорликларда, археологик обидаларда ўз аксини топган. Воҳа археологияси XIX асрнинг иккинчи ярмидан ўрганила бошланган. Натижада, археологлар кўплаб хилма-хил материаллар тўплашга муваффақ бўлдиларки, бу материаллар минтақанинг қадимги даврдан XV асргача бўлган тарихи ва маданиятини қайта тиклаш имконини берди.

Тошкент воҳаси Тянь-Шаннинг ғарбий ёнбағирларидан бошланиб, Сирдарё этакларига тушадиган кенг тоғолди текислигининг бир қисмида жойлашган. Шарқда у Угом, Писком ва Чотқол тоғ тизмалари билан ўралган. Бу тизмаларни шу номлар билан аталувчи дарёлар оқиб ўтувчи даралар ажратиб туради. Улар кўшилиб Чирчиқ дарёсини ҳосил қилади. Чирчиқ дарёси Чорвоқ ҳавзасининг тор дарасидан ўтиб, Ғазалкентдан қуйироққа тушганда кенглиги баъзи жойларда 20 км.дан ошадиган қадимий текислик бўйлаб оқади. Ғарбда Чирчиқ водийсига бамисоли кенг амфитеатрдек Қизилқумнинг қайноқ нафаси урилади. Жанубий қисмида эса водийга кириб

борувчи Оҳангарон дарёси ястанган. Ушбу текислик шимолида жойлашган Арис дарёсининг водийси билан бирга бу табиий сув тармоқлари Ўрта Осиё деҳқончилик воҳаларининг чекка минтақасини ташкил этади. Ундан шимолроқда яйловларга бой поёнсиз чўл. Чирчиқ дарёси ҳавзаси – Ўрта Осиёнинг қадимий деҳқончилик ва шаҳар маданияти бешикларидан бири бўлиб, бу ҳудудда воҳанинг пойтахти пайдо бўлган. Марказ жойдан-жойга кўчиб турган, қадимда ва ўрта асрларда Чоч ёки Шош, кейин эса Тошкент номи билан танилган. Тошкент воҳасида сув мўл-кўл бўлган. Каналлар тармоғи шаҳарни сув билан таъминлаб турган, ҳеч қачон сув тақчиллиги сезилмаган. Буни ўрта асрлардан то XIX асргача Тошкент ҳақида битилган асарлар ҳам тасдиқлайди.

Минтақанинг қулай табиий-иқлимий шароитлари бундан бир неча юз минг йил муқаддам ибтидоий одамни ўзига жалб этди.

Воҳанинг хўжалик ва иқтисодий тизимидаги ирригацион асос бўлиб Сирдарёнинг ўнг қирғоқлари Оҳангарон ва Чирчиқ ҳамда улар ўртасида жойлашган кичик сойлар ҳисобланади.

Тошкент воҳаси ҳудудида қуйи бронза, илк темир, антик давр ва ўрта асрларга оид саккиз юздан зиёд ёдгорлик мавжуд.

Сўнги бронза даврида (милоддан аввалги III – II минг йиллар) Евроосиё китъаси ҳудудида Атлантик босқичининг тугаши Волга бўйлари ва Қозоғистон чўлларида иқлимнинг ўзгаришига олиб келади. Бунинг натижасида Ўрта Осиё ҳудудига Андронов маданий–тарихий бирлашмасининг чорвадор қабилалари кириб келади. Андронов қабилаларининг хўжалик юритиш шакли чорвачилик бўлган. Шунинг учун Волгадан Иртишгача бўлган ҳудудлардаги совуқ иқлим чорвадорларни совуқ иқлим мавсумида жанубда - Ўрта Осиё воҳаларининг ҳудудларида ва дарёлари бўйларида яйловлар излашга мажбур этган. Бу даврда Тошкент воҳасининг иқлими ҳозиргидан кам фарқ қилган. Бу ҳол Андронova қабилаларининг қизиқишига сабаб бўлган. Уларнинг хўжалик ҳаётида мис – қончилик, металлургия ва металга ишлов бериш муҳим ўрин эгаллаган.

Тошкент воҳасининг ҳудудида ўтказилган тадқиқодларга кўра, сўнги бронза даврида ҳудуд Петров, Феоров, Саргари, Алексеев маданиятининг чорвадор чорвадор қабилалари томонидан ўзлаштирилган. Бу қабилалар Ўрта Осиёда одатда ярим ертўла туридаги вақтинчалик уй – жой қуришган. Ёзда енгил каркаслик иншоотлар қуришган. Шу сабабдан бу маданиятнинг қишлоқлари жуда кам топилган. Уларга тегишли қабрлар ва тасодифий топилмалар кўпроқ учрайди. Янгийўл шаҳридан жануби ғарбда Жун арньи соҳилида Андронova маданиятининг битта қабри Т.Г. Оболдуева томонидан ўрганилган. Бу қабрдан бешта қуйма бронза билакузук намуналари топилган.

Тошкент шаҳрининг ҳудудида Никифаров ерлари деб номланган жойда Андронов идиши топилган. Шоштепа ёдгорлиги қуйи қатламларидан эса бронза тақинчоқ намунаси топилган. Шунга ўхшаш буюмлар милоддан аввалги II – минг йилликнинг биринчи чорагида Қозоғистон ва Ўрта Осиё чорвадор қабилаларида кенг тарқалган эди. Бронза даврига оид Кавардан қабристонидан Саргари – Алексеев маданиятининг қабрлари кенг ўрганилган. Ушбу ёдгорликларда ўтказилган қазилма ишлари натижасида муҳр – туморлар намуналари топиб ўрганилган. Унинг даврий санаси милоддан аввалги III-II минг йилликларга оиддир. Ушбу топилма Петров қабилаларининг Намозгоҳ ўтроқ деҳқончилик маданиятлари аҳолиси билан бўлган маданий алоқалар ҳақида маълумот беради. Тошкент воҳасидаги Андронов қабилаларининг маданияти ҳақида Чимбойлик ва Бурчмулло хазиналари топилмалари кенг ёритади. Чимбойликнинг хазинаси Чирчиқ дарёсига Чимбойлик сув қўшилиши ўрнида жойлашган шу номли қишлоқ яқинидан топилган. Бу топилмалар даврий санаси милоддан аввалги III-II минг йилликлар билан белгиланади. Бурчмулло қишлоғи яқинидан топилган хазиналар эса тадқиқодчилар томонидан Саргари – Алексеев маданиятига таалуқли ва бронза даврининг финал босқичига тегишли деб ҳисобланади. Сўнги бронза даври топилмаларининг гувоҳлик беришича Тошкент воҳаси

Сўғд ва Бактриянинг ўтроқ деҳқончилик вилоятлари билан маданий алоқалар ўрнатган Андронов чорвадор қабилалари томонидан тўлиқ ўзлаштирилган.

Милоддан аввалги иккинчи минг йилликнинг охирига келиб, бу ерда Бурғулук деҳқончилик маданияти вужудга келди. Улар бир вақтнинг ўзида чорвачилик билан ҳам шуғулланган. Текисликлар, адирлар ва тоғ ёнбағирлари эса хўжалик асосларини ҳар томонлама ривожлантириш учун жуда қулай шароит яратган. Воҳадаги дастлабки деҳқончилик Оҳангарон дарёси ва унинг ирмоқлари ёқаларидан бошланган. Милоддан аввалги IX-VII асрларда ҳозирги Туябўғиз сув омбори жойлашган ерда илк деҳқонлар зич жойлашган кўрғончалар пайдо бўлган.

Милоддан аввалги иккинчи ва биринчи минг йилликда Тошкент воҳаси худудида ўтроқ деҳқон ва чорвадор қабилалари маданияти шаклланади ва улар параллел равишда таракқий эта бошлайди.

Илк темир асрининг қуйи босқичида-архаик даврда, Тошкент воҳасида антик давр муаллифларининг маълумотларига кўра, Искандар Зулкарнайн юриши даврида давлат тузилмасига бирлашган сак қабилалари жойлашган.

Улар ҳақида Геродот каби антик даври муаллифлари асарларида ва қадимги форс битикларида маълумотлар келтирилади. Қадимги форс манбалари бир нечта кўчманчи қабилаларни милоддан аввалги I минг йилликга оид ва саклар деб аташади. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра улар сўнгги бронза даври андронива маданияти авлодлари ҳисобланади. Геродот маълумотларида саклар скифлар сифатида келтирилса, форсларда эса барча скифлар саклар деб аталган. Қадимги форс битикларида Сирдарёдан шимолда яшаган саклар сак хаомварга деб аталганди ва уларнинг асосий қисмини “Сўғд ортидаги саклар” деб ҳисоблашади.<sup>3</sup> Персопол битикларида улар Яксарт ортида яшовчи саклар сифатида тилга олинади. Геродот, Гелланик ва бошқа антик даври муаллифлари сак хаомваргаларни амюргия саклари деб номлашади.<sup>4</sup> Страбон эса Яксартни сакларни сўғдийлардан

---

<sup>3</sup> Литвинский Б. А. Саки, которые за Согдом.-Труды АН Тадж ССР. 1960 . Т. СХХ.

<sup>4</sup> Геродот. История с. 333.

ажратиб турувчи чегара деб ҳисоблайди.<sup>5</sup> Салавк ва Антиох 1 лашкарбошиси бўлган ва Яксарт ортига юриш уюштирган Милетлик Демодам маълумотларига кўра, Яксарт ортида қандайдир қабила истиқомат этган ва сак уларнинг номи бўлган. Демодам даврида (милоддан аввалги III аср бошлари) Яксарт ҳудудуни бўйлаб истиқомат этишган.<sup>6</sup> Александр Македонский даври муаллифларининг маълумот беришича Яксарт кўчманчилар ва деҳқон жамоалари ўртасидаги чегара ҳисобланган.

Бу давр шаҳарлашиш жараёнининг ривожлана бошлаши билан характерланади - "калъалар" вужудга кела бошлайди ва илк шаҳарлар шаклланади. Милоддан аввалги биринчи минг йиллик охирида Тошкент воҳаси ҳудудуни қудратли Қанғ конфедератив давлати таркибига киради ва унинг пойтахт минтақаси бўлиб қолади. Қанғ давлатининг гуллаб-яшнаши милоддан олдинги II аср - милодий I асрларга тўғри келади. Бу даврда Окс-Амударё ва Яксарт-Сирдарё оралиғидаги деярли барча ерлар Қанғ давлати таркибига кирган. Бу ерга милоддан аввалги, тахминан, 128 йилларда ташриф буюрган хитой дипломати Чжань Цзянь ўз хотираларида шундай ёзган эди: «Қанғюй - мағрур ва дадил. У ноиблар номидан юбориладиган амалдорларни усун элчиларидан пастроққа ўтказишади».

Кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрича, мазкур давлатнинг пойтахти - Битян шаҳри Тошкент воҳасининг қадимий шаҳар маркази - кўхна Қанка шаҳрининг ўрнида бўлган. Бу даврда минтақада шаҳарлашиш жараёнлари, моддий ва маънавий маданият жадал ривожланган. Ўнлаб шаҳарлар, қасабалар барпо бўлади, ҳайдаладиган ерлар майдони кенгая боради, хунармандчиликнинг турли соҳалари ривожланади.

Ўрта Сирдарё водийсида деҳқончилик хўжалиги билан шуғулланувчи аҳоли ва кўчманчи аҳоли ўртасидаги алоқалар туфайли ўзига хос маданий ва иқтисодий хусусиятга эга Чоч номи билан аталган мулклик шаклланади. Унинг маркази Тошкент воҳаси бўлиб, у ўз ичига Чирчиқ ва Оҳангарон

---

<sup>5</sup> Страбон. География в 17 книгах. Кн. XI. VIII. 8. М., 1964. □

<sup>6</sup> Bernard P. Les monnaies hors tresors. Questions d'histoire Greco-bactrienne// Fouilles d'Ai Khanoum. IV. Paris, 1985. p. 38-39. □

хавзасини, Сирдарёнинг чап қирғоғидаги чўл ва тоғли ҳудудларни қамраб олган. Антик даврда бу ҳудудда Хитой манбаларида Юни ва Юени номи остида тилга олинган мулклик мавжуд бўлган. У Қанғуй таркибига кирган бешта кичик мулкликлардан бири бўлган. Унинг инқирозга юз тутганидан сўнг, ушбу мулклик илк ўрта асрларда мустақил бўлади ва Чоч номи билан юритила бошлайди. Ушбу мулклик ҳақидаги дастлабки маълумотлар 262 йилда Эрон шоҳи Шопур I нинг “Зароастр Каабаси” даги ёзувларда учрайди. “Зароастр Каабаси” да “Сўғд ва Чачстон”га қадар бўлган мулкликлари тилга оилнади. Хитой йилномалари ушбу мулкликни “Ши ва Чжеше” номи билан юритиб, шаҳарнинг ўзига ҳос маълум бир хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда “тош” термини билан боғлашади. Милодий IV-VI асрларда кўчманчи аҳолининг кўчиши ва воҳага кириб бориши мулкликнинг этник тарихи ва моддий маданиятида ўз аксини топган. Моддий маданият намуналари ва ёзма манбаларни ўрганиш шуни кўрсатадики, Чоч илк ўрта асрларда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий жиҳатдан тараққиётга эришади.

Шундай қилиб, илк ўрта асрларда Чоч Қанғуйнинг 5 та майда мулкликларидан бири асосида шаклланган мулклик бўлиб, 600 йилдан бошаб Турк хоқонлиги томонидан бошқарилган. Ўша вақтнинг ўзида Чоч таркибида унинг жанубий вилояти Илоқ ажралиб чиқади. Чоч таркибига шарқий, шимолий ва жанубий қисмларида бой метал конларига эга Чотқол ва Қурама тоғ-тизмалари ва Сирдарё, Чирчиқ (Парака) ва Оҳанганрон (Илоқ дарёси) нинг ҳосилдор ўнг ирмоқларидаги ерлар кирган. Шарқда Чоч турли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириб бериш бўйича машҳур бўлган. Хитой йилномаларида келтирилишича; “Ши”да арпа, буғдой етиштирилган. Водий ва тоғ олди ҳудудларда боғ-роғлар мавжуд бўлган. Чоч Фарғона билан биргаликда зотдор отларни етиштириш бўйича машҳур бўлган. Бу даврда суғориладиган ерларнинг ривожланиши кузатилади. Суғориш тизими тараққий этади. Фақатгина Чирчиқ хавзасида 30 дан ортиқ каналлар, мув тўғонлари ва уларни назорат қилувчи иншоотлар тадқиқотлар натижасида аниқланган. Чўл ва тоғ олди ҳудудлари чорвачилик билан шуғулланиш учун

қуйлай имкониятларга эга бўлган. Шу сабабдан Чочнинг жанубий вилояти Илоқ номини олган. Илк ўрта асрлар даврида Чоч Ўрта Осиёнинг йирик тоғ – кон металлургияси ривожланган вилоятларидан бирига айланади. Метал қазиб олинган ва қайта ишланган худудларидан бири Илоқ ҳисобланган.

## 1.2. ТОШКЕНТ ВОХАСИ АРХЕОЛОГИК ЁДГОРЛИКЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛГАН ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ ТАРИХИ

Маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярмида чор Россияси босқинидан сўнг ўлкамизга ташриф буюрган турли соҳа олимлари вакиллар Ватанимизнинг қадимги тарихи ва маданиятига қизиқишиб, уларни ўргана бошлайдилар. Айниқса, 1895 йилда Туркистон ҳаваскор археологлар тўғараги ташкил топгандан сўнг бу соҳадаги ишлар жонлана бошлайди. Ўтган асрнинг бошларида воҳанинг археологик ёдгорликларда кузатув ва кидирув ишларини олиб бориш ишлари кўлами анча кенгаяди. 20-йиллар охири ва 40-йиллар давомида олиб борилган тадқиқотлар ёдгорликларни ҳисобга олиниш билан биргаликда топографик ва стратиграфик жиҳатдан ўрганилиб чиқилади. Ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб эса археологик ёдгорликларни стратиграфик жиҳатдан ўрганиш ишлар кўлами ниҳоятда кенгаяди. Натижада воҳанинг 1000 га яқин барча турдаги ёдгорликлари аниқланиб, уларнинг айримларида археологик қазилма ишлари олиб борилади. Айниқса, Ватанимиз мустақилликга эришгандан сўнг давр мобайнида олиб борилган археологик тадқиқотлар ишлари янгича қараш, янгича илмий-методологик ёндашув асосига қурилган бўлиб, воҳа тарихини ёритишнинг туб бурилиш даври бўлди. Умуман, XIX асрнинг иккинчи ярмидан то ҳозирги кунга қадар амалга оширилган археологик тадқиқот ишлари натижасида кенг кўламдаги бой моддий манбалар тўпландики, улар тадқиқотчи олимларнинг айрим муаммо доирасида ёритилган илмий ишларида ўз аксини топган. Дастлаб 1861 йили ёдгорликка ташриф буюрган рус мусаввири В.В. Верещагиннинг эсламаларида кўҳна Канка тўғрисидаги дастлабки маълумотларга эга бўлиш мумкин<sup>7</sup>.

Кейинчалик 1896 йил У.Т. Смирнов ўзининг “Тошкент шаҳрининг атрофи қадимияти тўғрисидаги” дакладида Канка харобаси тўғрисида

<sup>7</sup> Верещагин В.В. Очерки, наброски, воспоминания, 1883, стр. 80-81; Буряков Ю.Ф. Историческая топография древних городов Тошкентского оазиса (историко-археологический очерк Чача и Илака): Т., 1975. стр. 31. Абдуллаев К. Археологическое изучение городца Канка (1969-1972).// ИМКУ, Вып. 12. Т., 1975. с.128

қисқача тўхталиб ўтади. Унда ёдгорликнинг мушофаа девори билан ўраб олинган ноаниқ режадаги кенг майдони ва шимолий чеккасида баланд тепалик жойлашганлиги тўғрисидаги қисқача маълумотлар келтириб ўтилади<sup>8</sup>.

1898 йил Е.Т.Смирнов ёдгорликка қайта ташриф буюради. У ёдгорликдан сополлар, шиша буюмлар ва бир неча мис тангалардан иборат терма буюмлар йиғиб, ўз имкониятлари асосида ёдгорлик Ўрта Осиёга араблар бостириб келгунига қадар бўлган даврга оид, деган хулосага келади<sup>9</sup>. 1907 йилда манзилгоҳ Туркистон археологлари ҳаваскор тўғараги котиби И.А.Беляев Шохрухиядан қайтаётиб, Канкани ҳам текшириб кўради. Ёдгорликнинг аҳамиятли қисмларини расмга тушириб, ўзининг ҳисобот нутқида археологик қизиқишининг юқорилигини айтиб ўтиш билан чегараланиб, атрофлича тадқиқ этиш кераклигини таъкидлайди<sup>10</sup>.

XX асрнинг бошларида Туркистон ҳаваскор археологлари тўғараги аъзолари томонидан аркнинг юқори қисмини ўрганиш ҳаракати бўлган. Аркнинг энг юқориси шимолий қисмида стратиграфик шурф излари ўтган асрнинг 70-йиллари бошида тадқиқотчилар томонидан қайд этилган. Бу тадқиқот натижалари ҳисоботи сақланмаган. Аммо Е.Т.Смирновнинг мақоласида Кўҳна шаҳар тўғрисидаги қойдномасида пахсадан барпо қилинган девор, ер ости йўли тўғрисида қайд этилган<sup>11</sup>.

1934 йил М.Е.Массон ўрта аср муаллифлари (Истахри, Ибн Хауқал) маълумотларига асосланиб, Канкани ўрта асрлардаги Харашкат билан қиёслайди. Шаҳарни кенг илмий-тадқиқот нуқтайи назаридан маълум даврий изчилликдаги тараққиёти, “Канка атамасини таҳлил этиш ва ёдгорлик режасини ишлаб чиқиш ишлари билан шуғулланади”. М.Е.Массон

---

<sup>8</sup> Верещагин В.В. Очерки, наброски, воспоминания, 1883, стр. 80-81; Смирнов Е.Т. Древности в окрестностях города Ташкента. Средняя Азия. Сб. Статей. Т., 1896, стр. 134.

<sup>9</sup> Смирнов Е.Т. Древности в окрестностях города Ташкента. Средняя Азия. Сб. Статей. Т., 1896, стр. 134.

<sup>10</sup> Смирнов Е.Т. Развалины городища Канка. Протокол. ТКЛА, год У. Т., 1901.

<sup>11</sup> Древняя и средневековая культура Чача. Т., 1979, стр.64.

Ёдгорликнинг девор билан ўраб олинган қисми 150 гектар бўлиб, олти тарвозаси мавжуд бўлганлиги ҳақида маълумотлар келтиради<sup>12</sup>.

1957 йил Ю.Ф.Буряков томонидан шаҳар харобаси текширилади. Ёдгорликнинг ўрганилиши давомида топилган моддий буюмлар жамланиб, уларнинг даври аниқланади. Текшириш натижасига таяниб Ю.Ф.Буряков М.Е.Массон Канкага қиёс қилган Харашкат айни шу ерда деган фикрга қўшилган<sup>13</sup>.

Канка шаҳри харобасини унинг микрорельефига қараб асосий қисмларини, майдонларини, йўлларини, уйлар жойлашган даҳаларини ва алоҳида жойларини аниқлаш имкони мавжуд эди. Ёдгорликни 1969 йил июнь ойида ЎзССР маданият вазирлиги ҳамда тасвирий санъат бош бошқармаси комплекс ўрганиш ишлари бошланади. Унга К.Абдуллаев бошчилик қилади<sup>14</sup>. Абдуллаев К. томонидан шу йили Канка шаҳрининг шаклланиш ва таракқиёт босқичларини ўрганиш мақсадида режали археологик тадқиқот ишлари амалга оширилади.

Чоч, яъни Чирчиқ воҳасининг қадимги ва ўрта асрлар даври тарихи хусусан, шаҳарлари тўғрисидаги узук-юлуқ маълумотлар антик даври юнон-рим муаллифлари асарларида, хусусан, Дионесий Периегит маълумотларида учрайди. Ўрта асрлар даври хитой манбаларида ҳам Тошкент воҳаси шаҳарлари тўғрисида кам сонли узук-юлуқ маълумотлар мавжуд.<sup>15</sup> Воҳа шаҳарлари қаторида Харашкат шаҳри тўғрисидаги нисбатан кенгрок маълумотлар ўрта асрлар даври араб ва форс муаллифларидан Истахрий, Ибн Хавқал, ибн Хордабех асарлари ва муаллифи номаълум Худуди ал олам асарида келтирилган. Улардан бирида шаҳар Бинкетдан кейин иккинчи, бошқасида учинчи ўринда турганлиги қайд этилган.<sup>16</sup> Харашкет шаҳар

---

<sup>12</sup> Массон М.Е. Ахангеран. Археолого-топографический очерк., Т., 1953 стр. 105-115.

<sup>13</sup> Буряков Ю.Ф. Историческая топография древних городов Тошкентского оазиса (историко-археологический очерк Чача и Илака): Т., 1975. стр. 31;

<sup>14</sup> Абдуллаев К. Археологическое изучение городища Канка (1969-1972).// ИМКУ, Вып. 12. Т., 1975.с.128.

<sup>15</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. I. М.-Л., 1950; Т. 2, 1950; Т. 3, 1953.

<sup>16</sup> Белиницкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый города Средней Азии. Л., 1973.; Абу-л Касим ибн Хаукал. Извлечения из книги «Пути и страны», пер. Е.К.Бетгера, Труды САГУ, вып. IV, 1957.

харобалари сақланган Канка ёдгорлигини археологик жиҳатдан ўрганиш ишлар XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган. Ўрта Осиё худуди чор Россияси томонидан босиб олингандан сўнг ўлкага ташриф буюрган олимлар ўлка тарихи билан қизиқиша бошлади. Улар томонидан амалга оширилган илмий изланишлар асори атиқаларни йиғиш, тапономик маълумотларни тўплаш бошқалардан иборат бўлиб, улар қисман нашр қилинарди. Воҳа тарихи ва маданиятини ўрганиш 1895 йили Туркистон ҳаваскор археологлар тўғараги ташкил этилгандан сўнг жонлана бошлайди. Тўғарак аъзоларидан Н.С. Лукошин, Е.Т.Смирнов, Н.П.Остроумов, Н.Г.Маллицкий, А.А. Диваев, М.С Диваев<sup>17</sup> ва бошқалар Тошкент шаҳри ва унинг атрофи худудларида жойлашган ёдгорликлар тўғрисида маълумотлар тўплаш ва уларни тўғарак қароридан нашр қилиб бориш ишларини йўлга қўйдилар. Ҳатто, 1896 йилда Н.П.Остроумов томонидан Шоштепа ёдгорлигида қазилган ишларини амалга оширилади.<sup>18</sup>

Воҳанинг шаҳар туридаги ёдгорликларидан Қовунчитепада археологик тадқиқот ишлари ўтган асрнинг 30-йилларда Г.В.Григорьев, В.А.Шишкинлар томонидан амалга оширилган.<sup>19</sup> Ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб воҳа шаҳарларини археологик жиҳатдан ўрганиш ишлари кўлами ниҳоятда кенгайди.

Харашкет харобаси сақланган Канка ёдгорлигини археологик-топографик жиҳатдан дастлаб М.Е. Массон ўрганган.<sup>20</sup> 1957 йил Ю.Ф.Буряков тамонидан текширилиб чиқилган.<sup>21</sup> 1969-1972 йилларда К.А.Абдуллаев тамонида муҳофаза девори, учинчи шаҳристон ва рабод

---

стр. 24; Худу дул олам. Форсчадан Бўриев О. таржимаси. Т., 2008 33 бет; Ворожейкина З.Н. (Китаб) Масалик ал-Мамалик ал-Истахрий //Материалы по истории киргизов и Киргизии. М., Наука., 1973. Вып. №1 стр 24-34.

<sup>17</sup> Филянович М.И. Ташкент: зарождение и развитие города и городской культуры. Т., 1982; Смирнов Е.Т. Древности в окрестностях г. Ташкента.-ПТКЛА, I. Ташкент 1896; Лыкошин Н.С.

<sup>18</sup> ПТКЛА, I. Ташкент 1896

<sup>19</sup> Григорьев Г.В. Отчет об археологической разведке в Янгиюльском районе УзССР в 1934 г. Ташкент, 1935; ўзи. Каунчитепа (раскопки 1935 г.), Ташкент 1940.; ўзи. Краткий отчет о работе Янгиюльской археологической экспедиции 1937 г. Ташкент, 1940.

<sup>20</sup> Массон М.Е. Ахангеран. Археолого-топографический очерк., Т., 1953 стр. 105.

<sup>21</sup> Буряков Ю.Ф. Историческая топография Ташкентского оазиса., 1975; ўзи. Генезисы и этапы города и городской культуры Ташкентского оазиса Т., 1982.; Буряков Ю.Ф.,Касимов М.Р., Ростовцев О.М. Тошкент вилоятининг археологик ёдгорликлари. Т., 1975.

кисмларида бир неча стратиграфик қазилмалар амалга оширилган.<sup>22</sup> Ёдгорликни археологик жиҳатдан ўрганиш ишлари 70-90 йиллада Ю.Ф.Буряков, Г.Ю. Богомолов, Л.Г. Брусенко, З.С. Галиева ва бошқалар томонидан амалга оширилган археологик қазилмалар ишлари кўхна шаҳар тарихини бойитиш билан боғлиқ.<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикаси мустақилликга эришгандан сўнг археологик ёдгорликларда олиб борилган илмий изланишлар Ватанимиз тарихини ўрганишдаги туб бурилиш даври ҳисобланади. Канка ёдгорлигида амалга оширилган археологик тадқиқот ишлари назарий-методологик жиҳатдан ўрганишнинг янги босқичидан иборат<sup>24</sup>

Канка ёдгорлиги, яъни Харашкетнинг товар пул муносабатлари билан боғлиқ масалалар Т.Ерназарова, А.А.Мусакаева ва Ғ.Бобоёровларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган.<sup>25</sup>

Жанубий қарвон йўлида жойлашган шаҳарларнинг ўрганилиши. Ушбу йўналишда жойлашган шаҳарлардан бири Банокат ҳисобланади. Унинг харобалари Шарқия (Шохруҳия) шаҳри ўрни билан белгиланади<sup>26</sup>. Ушбу ёдгорлик 1957 йилда Ўзбекистон Фанлар Академияси археология-тарих институти ва Ўзбекистон халқлари тарихи музейи ходимларидан кўздан кечирилади. 1973 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси археология институти ходимлари томонидан археологик тадқиқот ишлари

---

<sup>22</sup> Абдуллаев К. Археологическое изучение городища Канка (1969-1972). // ИМКУ, Вып. 12. Т., 1975. с.128-154; ўзи. К.А. ўзи. Квартал керамистов городища Канка. //ИМКУ, Вып. 11,Т., 1974, стр. 83-92;ўзи. Исследование городища Канка (Древней Харашкет городища в Ташкентском оазисе). Дисс. на соис. уч. ст. кан. ист. наук. Т., 1975

<sup>23</sup> Древняя и средневековая культура Чача Т., «Фан», 1979; Буряков Ю.Ф. Историческая топография Ташкентского оазиса., 1975; ўзи. Генезисы и этапы города и городской культуры Ташкентского оазиса Т., 1982.; Буряков Ю.Ф.,Касимов М.Р., Ростовцев О.М. Ташкент вилоятининг археологик ёдгорликлари. Т., 1975, ўзи Бассейн Среднего Яксарга в древности и раннем средневековье //Городская культура Бактрии-Тохаристана и Согда. Античность, раннее средневековье. Материалы Советско-Французского коллоквиума (Самарканд, 1986), Т., 1987 стр. 33-34.; Древний и средневековый город Восточного Мавераннахра «Фан», Т., 1990; Брусенко Л.Г., Галиева З.С. Материалы раскопок квартала X- начала XI вв на городище Канка //ИМКУ, Вып. 19, Т., 1974, стр. 124-136;

<sup>24</sup> Буряков Ю.Ф. Роль металлургии в урбанизации среднеазиатского междуречья // Tsonsoxiana. История и культура. Ташкент, 2004. с. 55- 62.; ўзи Керамическое производство средневекового Чача по материалам Канки и Шахрухии. Материалы международной конференции посвященной юбилею Шишкина. М., 2000. Буряков Ю.Ф., Грицина А.А. Мавераннахр на Великом Шелковом пути Самарканд-Бишкек., 2006.; Буряков Ю.Ф., Грицина А.А. Связи Согда, Усрушаны, Чача на Велеком шелковом пути.. Душанбе, 2002.;

<sup>25</sup> Ерназарова Т.Мусакаева А.А.Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса (VI- VIII), Т., 2007

<sup>26</sup> Буряков Ю. Ф. Историческая топография Ташкентского оазиса. Фан. Ташкент. 1975. стр. 14-15.

ушбу ёдгорликда давом эттирилади. Ушбу экспедицияга археолог олим Ю. Ф. Буряков раҳбарлик қилган. Ушбу йўналишда жойлашган шаҳарлардан бири Харашкет ҳисобланади. Ушбу шаҳар Қанка ёдгорлиги ўрнига жойлаштирилади<sup>27</sup>. Дастлаб ушбу ёдгорлик 1861 йилда В. В. Верешагин томонидан кўздан кечирилади. 1898 йилда эса ушбу ёдгорликда Е. Т. Смирнов томонидан тозалаш, археологик топилмаларни йиғиш ва кичик казишма ишлари ўтказилади. 1943 йилда эса ушбу ёдгорликда археолог олим М. Е. Массон тадқиқот ишларини олиб боради. 1957 йилда эса ушбу ёдгорлик Ю. Ф. Буряков бошчилигидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейи ходимлари томонидан ўрганилади. 1969-1972 йилларда эса ушбу ёдгорлик К. Абдуллаев бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг ёдгорликларни сақлаш асосий бошқармаси томонидан тузилган экспедиция томонидан ўрганилади. 1974 йилдан бошлаб эса ушбу ёдгорликда Ю. Ф. Буряков бошчилигидаги Археология институти ходимлари томонидан ўрганилиши давом эттирилади. Шимолий карвон йўналишида жойлашган шаҳарларнинг ўрганилиши. Ушбу карвон йўналишида жойлашган шаҳарлардан бири ўрта асрларга оид ёзма манбаларда тилга олинган Унжакет ёки Нежакет ҳисобланади<sup>28</sup>. Ушбу шаҳар Чирчиқнинг қадимги ўзанида, Сирдарёдан 1,2 км масофада шарқий томонда ва Чинакетгача 9 км масофа узокликда жойлашган ёдгорлик харобаларига тўғри келади. Ушбу ёдгорлик 1971 йилда археологик жиҳатдан Ю. Ф. Буряков бошчилигидаги экспедиция томонидан ўрганилади. Нежакетдан Чирчиқ орқали ўтган карвон йўли ўрта асрлар даврига оид, Чинакет шаҳрига олиб борган<sup>29</sup>. В. В. Бартольд ушбу шаҳарни Чиноз қишлоғидаги ёдгорлик ўрнига жойлаштиради. 1934 йилда ушбу ёдгорлик Г. В. Григорьев томонидан ўрганилиб, унинг схематик тарҳи олинган. 1950 йилларнинг ўртасидан бошлаб ушбу ёдгорлик Тошкент Давлат университетининг Ўрта Осиё археологияси кафедраси ходимлари томонидан ўрганилган. 1960-1961

---

<sup>27</sup> Буряков Ю. Ф. Историческая топография Ташкентского оазиса. Фан. Ташкент. 1975. стр. 30-31.

<sup>28</sup> Буряков Ю. Ф. Историческая топография Ташкентского оазиса. Фан. Ташкент. 1975. стр. 42-43.

<sup>29</sup> Буряков Ю. Ф. Историческая топография Ташкентского оазиса. Фан. Ташкент. 1975. стр. 46-47.

йилларда эса Ўзбекистон халқлари тарихи музейи ходимлари томонидан ушбу ёдгорликда умумий оғирлиги 11 кг 887 г яъни мис кўзада сақланган 1800 дан ортиқ кумуш танга хазина- си топилган. 1970-1971 йилларда эса ушбу ёдгорлик Ўзбекистон Фанлар Академияси Археология институти ходимлари томонидан тадқиқ этилади. Ушбу йўналишда жойлашган шаҳарлардан яна бири Данфеганкет ҳисобланади<sup>30</sup>. Ушбу шаҳар Ниёзбош қишлоғи яқинидаги Югонтёпа ёдгорлиги ўрнига жойлаштирилади. Ушбу ёдгорликда 1953-1954 йилларда Тошкент вилояти ўлкашунослик музейи ходими М. С. Мершиев томонидан ўрганилади. 1967-1970 йиллар давомида эса археолог олим Ю. Ф. Буряков томонидан тадқиқот ишлари ўтказилади. Ушбу йўналиш шаҳарларидан бири Залтикет Г. В. Григорьев томонидан Зангиота (Майтепа) кўхна шаҳри ўрнига жойлаштирилади<sup>31</sup>. Ушбу ёдгорликда 1953-1955 йилларда Тошкент Давлат университети Ўрта Осиё археологияси кафедраси ходимлари археологик тадқиқот ишларини олиб боришади. Ушбу шаҳарлар орасида Банукет ҳам тилга олинади. Ушбу шаҳар Тошкентнинг жануби-ғарбий қисмида Ноғайқўрғон қишлоғидаги Кугайтёпа ёдгорлиги ўрнига жойлаштирилади<sup>32</sup>. Ушбу ёдгорлик дастлаб Туркистон хаваскор археологлар тўғараги ходимлари томонидан ўрганилади. 1954 йилда Тошкент Давлат университети Ўрта Осиё археологияси кафедраси ходимлари С. Б. Лунина ва З. И. Усманова томонидан ушбу ёдгорликда археологик тадқиқот ишлари ўтказилади. 1967 йилларда археолог олим Г. Дадабаев, 1969 йилда эса М. И. Филанович томонидан, 1973 йилда эса Д. Г. Зильпер томонидан тадқиқот ишлари давом эттирилади. Ушбу йўналишдаги Чочнинг қадимий пойтахти бўлмиш яна бир шаҳар Бинкет ҳисобланади. Бинкет археолог олимлар томонидан Тошкентнинг эски шаҳар қисмида жойлаштирилади<sup>33</sup>. Тошкент ҳудудида энг қадимги шаҳар маданияти шаклланган жой Мингўрик ёдгорлиги ҳисобланади<sup>34</sup>. Унинг умумий майдони

---

<sup>30</sup> Буряков Ю. Ф. Историческая топография Ташкентского оазиса. Фан. Ташкент. 1975. стр. 52-53. □

<sup>31</sup> Буряков Ю. Ф. Историческая топография Ташкентского оазиса. Фан. Ташкент. 1975. стр. 53-54.

<sup>32</sup> Буряков Ю. Ф. Историческая топография Ташкентского оазиса. Фан. Ташкент. 1975. стр. 56-57.

<sup>33</sup> Буряков Ю. Ф. Историческая топография Ташкентского оазиса. Фан. Ташкент. 1975. стр. 62-63.

<sup>34</sup> Буряков Ю. Ф. Историческая топография Ташкентского оазиса. Фан. Ташкент. 1975. стр. 63-64.

30 гектарни ташкил этган. 1957-1959 йилларда Д. Г. Зильпер ва Ю. Ф. Буряков томонидан ушбу ёдгорликнинг саланиб қолган арк қисмида археологик тадқиқот ишлари ўтказилади. 1959 йилда О. В. Обельченко, 1968-1973 йилларда эса Д. Г. Зильпер тадқиқот ишларини давом эттиради. 1968-1972 йилларда Бинкетнинг тарихий топографияси бўйича В. А. Булатова бошчилигида Ўзбекистон Фанлар Академияси археология институти ходимлари томонидан тадқиқот ишлари амалга оширилади. Ушбу қарвон йўлидаги шаҳарлардан бири Нўжкет ҳисобланиб, ушбу шаҳар Хонабод ёдгорлиги ўрнига жойлаштирилади<sup>35</sup>. Ушбу ёдгорликда 1949-1950 йилларда В. М. Массон бошчилигида Тошкент Давлат университети Ўрта Осиё археологияси кафедраси ходимлари томонидан тадқиқот ишлари ўтказилган. 1958 йилда эса ушбу ёдгорликда Ю. Ф. Буряков тадқиқот ишлари олиб боради. 1971 йилга келиб эса ёдгорлик Ўзбекистон Фанлар Академияси археология институти Тошкент бўлими ходимлари томонидан ўрганилади. Чочнинг тоғли вилояти йўналиши бўйлаб жойлашган шаҳарлардан бири Жабғукет ва Хотункет шаҳарлари ҳисобланади<sup>36</sup>. Шарқшунос олим В. В. Бартольд ушбу шаҳарни Бўзсув қишлоғи яқинидаги Ниёзтепа ёдгорлиги ўрнига жойлаштиради. 1949 йилда И. Баишев ва В. М. Массон томонидан Тошкент атрофида тадқиқот ишлари ўтказилиши натижасида ушбу шаҳар Туғойтепа ёдгорлиги ўрнига жойлаштирилади. 1972 йилда ушбу ёдгорликда тадқиқот ишлари Д. Г. Зильпер томонидан ўтказилади. Ушбу йўналишдаги шаҳарлардан бири Баркуш ҳисобланиб, ушбу шаҳар Чирчиқ дарёсининг ўнг қирғоғидаги Паргостепа ёдгорлиги ўрнига жойлаштирилади<sup>37</sup>. Ёдгорликнинг дастлабки баёни 1935 йилда В. Д. Жуков томонидан берилган. 1937 йилда ушбу ёдгорликда Д. Д. Букинич тадқиқот ишларини амалга оширади. 1961-1962 йилларда эса ёдгорлик Тошкент Давлат университети Ўрта Осиё археологияси кафедраси ходимлари томонидан ўрганилган. Ушбу йўналишдаги шаҳарлардан бири Хожикент бозорбоши ёдгорлиги Х.

---

<sup>35</sup> Буряков Ю. Ф. Историческая топография Ташкентского оазиса. Фан. Ташкент. 1975. стр. 69-70.

<sup>36</sup> Буряков Ю. Ф. Историческая топография Ташкентского оазиса. Фан. Ташкент. 1975. стр. 72-73. □

<sup>37</sup> Буряков Ю. Ф. Историческая топография Ташкентского оазиса. Фан. Ташкент. 1975. стр. 74-75. □

Алпысбаев томонидан аниқланган. 1961-1962 йилларда Тошкент Давлат университети Ўрта Осиё археологияси кафедраси ходимлари томонидан ушбу ёдгорликда тадқиқот ишлари ўтказилади. 1964 йилда эса Чорвок археологик гуруҳи томонидан ўрганилади. Ушбу йўналишдаги шаҳарлардан бири Ардланкет ҳисобланади<sup>38</sup>. 1950-1951 йилларда Чотқол водийсида тадқиқот ишларини олиб орган А. К. Кабиров Ардланкет шаҳрини Чотқолнинг қояли қирғоғи бўйида жойлашган Кулбосган ёдгорлиги ўрнига жойлаштиради. Ю. Ф. Буряков эса ушбу шаҳарни Бурчмулла ёдгорлиги ўрнига жойлаштиради. Фарак ва “Илоқ дарёси” ўртасидаги шаҳарлар. Улардан бири Кабарна шаҳри ҳисобланиб, ушбу шаҳар Тошкентдан шарқий томонида 25 км масофа узоқликда жойлашган Кавардан ёдгорлиги ўрнига жойлаштирилади<sup>39</sup>. Ушбу ёдгорлик 1972 йилда Ю. Ф. Буряков бошчилигидаги Чоч-Илоқ археологик гуруҳи томонидан ўрганилади. Илоқ шаҳарлари. Илоқ шаҳарларидан бири Нукет ҳисобланиб, археологлар томонидан ушбу шаҳар Тўйтепа қишлоғининг шимоли-ғарбий қисмидаги Улканкултепа ёдгорлиги ўрнига жойлаштирилади<sup>40</sup>. Дастлаб ушбу ёдгорликнинг ўрганилиши М. Е. Массон томонидан амалга оширилган ушбу 1958 йилда Ю.Ф. Буряков томонидан тадқиқ этилган. Унинг шахристон қисмида 1959-1963 йилларда археологик тадқиқот ишлари давомида Қорахонийлар даврига оид мис танга намуналаридан иборат 2 та хазина топилган. 1968 йилда ушбу ёдгорликнинг жануби-шарқий қисмида X-XI асрга оид ҳунармандчилик устахоналари топилган. Тункет шаҳри Оҳангароннинг чап қирғоғидаги Имлоқ ёдгорлиги ўрнига тўғри келади<sup>41</sup>. Бу жойда Илоқ пойтахтининг жойлашганлиги тўғрисидаги фикр 1926 йилда С. Ф. Машковцев томонидан илгари сурилган эди. Ушбу ёдгорлик 1929-1934 йилларда М. Е. Массон томонидан ўрганилган. 1959-1962 йилларда ушбу ёдгорликда Ю. Ф. Буряков тадқиқот ишларини олиб борган. Тункетдан шарқий томонда жойлашган шаҳарлардан яна бири Намудлиғ ҳисобланиб,

<sup>38</sup> Буряков Ю. Ф. Историческая топография Ташкентского оазиса. Фан. Ташкент. 1975. стр. 82-83.

<sup>39</sup> Буряков Ю. Ф. Историческая топография Ташкентского оазиса. Фан. Ташкент. 1975. стр. 86-87.□

<sup>40</sup> Буряков Ю. Ф. Историческая топография Ташкентского оазиса. Фан. Ташкент. 1975. стр. 106-107.□

<sup>41</sup> Буряков Ю. Ф. Историческая топография Ташкентского оазиса. Фан. Ташкент. 1975. стр. 110-111.□

ушбу шаҳар Ангрндан шимолий томонда жойлашган номсиз ёдгорлик харобалари ўрнига жойлаштирилади<sup>42</sup>. Ушбу ёдгорликда тадқиқот ишлари 1966-1967 йилларда Ю. Ф. Буряков бошчилигидаги Ўзбекистон Фанлар Академияси тарих ва археология институти ходимлари томонидан тадқиқ этилади. Шунингдек бу йўналиш бўйлаб жойлашган шаҳарлардан бири Дахкет ҳисобланади. Ушбу шаҳар Дукент ёдгорлиги ўрнига жойлаштирилади<sup>43</sup>. Дукент ёдгорлиги 1959, 1962, 1963, 1966 йилларда Ю. Ф. Буряков томонидан ўрганилади.

---

<sup>42</sup> Буряков Ю. Ф. Историческая топография Ташкентского оазиса. Фан. Ташкент. 1975. стр. 127-128.

<sup>43</sup> Буряков Ю. Ф. Историческая топография Ташкентского оазиса. Фан. Ташкент. 1975. стр. 152-153.

## **II БОБ. Ю.Ф. БУРЯКОВ ТОМОНИДАН ТОШКЕНТ ВОҲАСИДА ОЛИБ БОРИЛГАН ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ НАТИЖАЛАРИ**

### **2.1 БУРҒУЛУҚ ВА ҚОВУНЧИ АРХЕОЛОГИК КОМПЛЕКСЛАРИ**

Мил.авв. I минг йилликда аҳоли кўчманчилар сифатида изоҳланишига карамай, Тошкент водийсининг Оҳангарон ва Чирчиқ воҳалари манзилгоҳларида ўтrockлашган аҳоли чорвачилик ва суғорма дехқончилиги билан шуғулланиб Бургулик (Бурканлик) маданияти соҳиблари ҳисобланган<sup>44</sup>. Бу маданият ғарбда то Зарафшон тоғларининг жанубий тизмаларигача, шарқда эса Хитойгача чўзилган ҳудудлардаги маданиятлар билан биргаликда мавжуд бўлиб, Шарқий Туркистон ҳудудларидан очилган Чаухугоу маданияти бу минтақаларнинг қадимги даврлардан бошлаб алоқалар қилганлигини кўрсатади<sup>45</sup>.

Бурғулуқ археологик комплекси даврий хронологик чегараси милоддан аввалги IX-III асрларни ўз ичига олади. Ушбу археологик комплекс биринчи навбатда сўнгги бронза ва илк темир даври билан боғлиқ. Унинг сўнгги босқичида эса воҳанинг шаҳар маданияти шаклланади. Ушбу археологик комплексга тегишли дастлабки топилмалар 1934 йилда Г. В. Григорьев томонидан Қовунчитепа кўхна шаҳрининг қуйи қатламларидан топилган. Бироқ унинг алоҳида маданият эканлиги 1940 йилда А. И. Тереножкин томонидан Бурғулуқсой бўйлаб ўтказилган археологик қазишма ишлари натижасида аниқланган. Кейинчалик Бурғулуқ маданиятига тегишли топилмалар Шоштепа ва Қулоқчинтепа ёдгорликларида ҳам аниқланган. Бурғулуқ маданиятига тегишли ёдгорликларнинг асосий қисми Оҳангароннинг ўрта оқими бўйлаб, Тўябўғиз сув омбори ҳавзасидан аниқланган. Дастлабки манзилгоҳ 1971 йилда В. И. Спришевский томонидан аниқланиб, унинг даврий санаси милоддан аввалги IV-III асрлар билан

<sup>44</sup> Дукe X. Туябугузские поселения Бургулюкской культуры. Т., 1982.

<sup>45</sup> Буряков Ю.Ф. Генезис и динамика развития материальной культуры бассейна Сырдарьи (проблемы взаимосвязи земледельцев и скотоводов) International Journal of Central Asian Studies. Vol. 9/ Seoul, 2004, P. 315-318

белгиланган. 1972 йилда эса Бурғулуқ маданиятига тегишли ёдгорликларнинг ўрганилиши давом эттирилган. 1976-1977 йилларда эса Қовунчитепа ёдгорлигининг ўрганилиши давом эттирилган. 1978 йилда эса Шоштепа ёдгорлигида қазилма ишлари қайта тикланган. Дастлабки Бурғулуқ археологик комплекси Тўябўғиз сув омбори ҳавзасидан топилиб, унга 11 та манзилгоҳни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Ундаги маданий қатламларнинг қалинлиги 2,7 метрни ташкил этади. Археологик тадқиқотлар натижасида Бурғулуқ маданияти 2 та босқичга бўлинади.

Биринчи босқичнинг даврий санаси милoddан аввалги IX-VII асрларни ўз ичига олади.

Иккинчи босқичнинг даврий санаси милoddан аввалги VI-III асрларни ўз ичига олади.

Тошкент воҳасида металга ишлов бериш анъанаси Бурғулик маданиятига оид қатламлардан топиб ўрганилган. Бу даврга оид манзилгоҳларни қазилма жараёнида бронзадан ишланган турли хил меҳнат қуроллари ва қурол-яроғлар аниқланган. Улардан икки қулоқли белт (болта), ўроқ, пичоқ, игна қошиқ, баргсимон камон ўқларининг учлари, найза учлари ва ханжарлардан иборат. Бу турдаги буюмлар Тошкент канали, Тўябўғиз сув омбори ҳудудидаги Бурғулик маданиятига оид ёдгорликлар ва бошқалар топиб ўрганилган<sup>46</sup>. Шунингдек, Бурғулик маданиятига оид манзилгоҳлардан топиб ўрганилган сопол идишларнинг бир қисми мато қолипда ишланган уларнинг излари сопол бўлакчаларида сақланган. Бундан ташқари бу даврга оид қатламлардан тошдан ясалган урчуқбошлар, суякдан ясалган турли хил буюмлар топиб ўрганилган<sup>47</sup>. Қанқанинг қуйи қатламида Бурғулик маданиятига оид ер тўла шаклидаги уй-жойларнинг ўрни аниқланиб бевосита шаҳар уларнинг устида шаклланган<sup>48</sup>. Маълумки, Бурғулик маданияти

---

<sup>46</sup> Древняя и средневековая культура Чача. Т., 1979, стр. 45.; Древности Туябугуза. Т., 1978, стр. 63.; Дуге Х Туябугузские поселение Бургулюкской культуры. Т., 1982, стр. 51-54;

Буряков Ю.Ф, Кошеленко Г.А. Ташкентский оазис. Бургулюкская культура.// Древнейшие государства Средней Азии и Кавказа. М., "Наука". 1985, стр. 199.

<sup>47</sup> Древности Туябугуза. Т., 1973, стр.69; Дуге Х. Туябугузские поселение Бургулюкской культуры. Т., 1982, стр.85

<sup>48</sup> Древний и средневековый город Восточного Мавераннахра. Т., 1990, стр. 118

мил.авв. IX асрларда шаклланган бўлиб, у асосан Оҳангарон дарёсининг қуйи ва ўрта оқимларида шаклланиб, кейинги босқичда Чирчиқ дарёси оқими худудларида ҳам ривожланган. Антик шаклланган кўпгина шаҳарлар Бурғулик маданиятига оид манзилгоҳларнинг давомида ривожланган.<sup>49</sup>

Демак, Тошкент воҳасида хунармандчиликнинг дастлабки шакллари мил. авв. I минг йилликнинг бошларидан шакллана бошлаган. Хунармандчиликда металга ишлов бериш асосий ўрин тутиб, бевосита бу соҳанинг ривожланишида Чотқол-Қурама тоғларидаги тоғ-кон маданиятлари муҳим аҳамиятга эга бўлган<sup>50</sup>.

Бурғулик маданиятининг сўнгги босқичида воҳанинг жануби-ғарбида, ярим ертўлаларда, табиий асосларда мустаҳкам қалъаси ва қалъа деворлари ҳамда бўртиб чиққан айлана шаклдаги миноралари бўлган, шунингдек, хандақлар билан ҳимояланган шаҳар пайдо бўлади. Унинг девор ва миноралари тўтубурчак шаклдаги хом ғишт ва пахса блокларидан қад кўтарган. Шаҳарнинг режаси ва ғиштлар ўлчами, ҳимоя иншооти услублари, минора ва буржлар шакллари, маданий қатламдаги сопол буюмлар - буларнинг барчаси қадимги деҳқончилик маданияти, ғарб антик меъморчилиги билан ёки, эллинизм даври минтақалари билан, биринчи галда Сўғд меъморчилиги билан ўхшашлик топади. Самарқанд Сўғдининг илк урбанизацияси масалалари билан шуғулланар экан М.Исомиддинов ва К. Рапенлар ғиштлар ривожланиш босқичларини махсус ўрганиб чиқиб, айнан Канкада мавжуд бўлган шакллар эллинизм даврига оидлигини таъкидлайдилар<sup>51</sup>. Антик давр Хоразм қурилиш услубларининг эволюцияси ҳам айнан мана шу хронологияни беради<sup>52</sup>. Бу ҳолат бизга қадимги шаҳарни манбаларда эслатилган, мил.авв. IУ-III асрнинг бошларига оид Яксарорти

---

<sup>49</sup> Древности Туябугуза. Т., 1973, стр.93-104;

Буряков Ю.Ф., Дадабаев Г. Памятники античного времени в Ташкентском оазисе // ИМКУ, 1973, №10

<sup>50</sup> Горное дело и металлургия средневекового Илака V-нач. XIII вв. М., 1974

<sup>51</sup> Исомиддинов М., Рапен К. Городище Коктепа и некоторые вопросы ранней урбанизации Самаркандского Согда. // Средняя Азия: археология, история, культура. М., 2000. С. 204

<sup>52</sup> Вишневская О.А., Рапопорт Ю.А. Городище Кюзели-гыр. К вопросу о раннем этапе истории Хорезма. // ВДИ. 1997. № 2. С. 150-173.

Антиохияси билан боғлашга асос бўлди<sup>53</sup>. Бу айнан тадқиқотчиларнинг баҳсларига сабаб бўлган урбанизациянинг эллинистик кўриниши эди.

Қовунчи археологик комплекси. Ушбу археологик комплекснинг даврий санаси милоддан аввалги II—милодий VI асрнинг бошлари билан белгиланади. Қовунчи маданиятига тегишли дастлабки ёдгорликлар 1934 йилда Г.В. Григорьев томонидан аниқланган. Ҳозирги кунга қадар Қовунчи маданиятига тегишли 101 та ёдгорлик аниқланган бўлиб, уларнинг ичидан бизнинг эътиборимизни тортадиган ёдгорликлар Қовунчитепа, Чордара, Қанқа, Кавардан ҳисобланади. Г. В. Григорьев қовунчи маданиятини икки босқичга бўлади.

1. Қовунчи I

2. Қовунчи II

Кейинчалик эса баъзи археологлар ушбу маданият асосида Жун маданиятини аниқлашган. Бироқ баъзи археологлар эса ушбу маданиятни Қовунчи III босқичи билан белгилашади. Г. В. Григорьев Қовунчи I босқичининг дастлабки қатламларидан темирдан ишланган қуролларнинг аниқланмаганлиги боис, унинг даврини сўнгги бронза асри билан белгилайди, яъни милоддан аввалги II минг йилликнинг охири ва I минг йилликнинг бошлари. Қовунчи II босқичи эса милоддан аввалги I минг йилликнинг ўрталари билан белгиланади. А. И. Тереножкин ва С. П. Толстов ушбу даврий санани қайта таҳлил қилишган. А. И. Тереножкин дастлаб ушбу археологик комплекснинг даврий санасини милодий I минг йиллик билан, Қовунчи II босқичини эса милодий II-IV асрлар билан белгилайди. Т. Г. Обулдужева эса Қовунчи маданиятини эрамизнинг бошлари билан белгилайди. Қовунчи маданияти Бурғулук маданияти ўрнида шаклланган. Қовунчи маданияти меъморчилигида пахса ва ҳом ғиштлардан қурилган аҳоли турар жойлари, саройлар ва диний характердаги иншоотлар ҳос ҳисобланади. Бактрия, Сўғд, Хоразмда меъморчиликда ўлчамлари антик даврга ҳос ғиштлардан фойдаланилса, бу ерда эса ўлчамлари 46-52x23x26-9-12 см

---

<sup>53</sup> Буряков Ю.Ф. Генезис и динамика развития... -Т., 1982, с. 103-106.

бўлган, йирик тўғри бурчак шаклидаги ғиштлардан фойдаланилади. Қовунчи I босқичи меъморчилик анъаналари юқори даражада тараққий этган маданият сифатида эътироф этилади.

Қовунчи топилмалари Тошкент воҳаси ҳудудидаги 1010 та ёдгорликда аниқланган ва улар ичидаги энг маълум бўлган ёдгорликлар Қовунчитепа, Чордара, Қанқа ва Кавардан ёдгорликларидир.

Тошкент воҳаси ҳудудида жойлашган ёдгорликлардан бири Харашкет ёдгорлиги ҳисобланади. Ушбу шаҳар Қанқа ёдгорлиги ўрнига жойлаштирилади<sup>54</sup>. Ёдгорлик 1861 йилда В. В. Верешагин томонидан ўрганилади. 1898 йилда эса ёдгорликда Е. Т. Смирнов томонидан қазишма ишлари ўтказилади. М. Е. Массон эса 1943 йилда тадқиқот ишларини олиб боради. 1957 йилда Ю. Ф. Буряков бошчилигидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейи ходимлари томонидан ўрганилади. 1969-1972 йилларда эса ушбу ёдгорлик К. Абдуллаев бошчилигидаги экспедиция томонидан ўрганилади. 1974 йилдан бошлаб эса ушбу ёдгорликда Ю. Ф. Буряков бошчилигидаги Археология институти ходимлари томонидан ўрганилиши давом эттирилади.

---

<sup>54</sup> Буряков Ю. Ф. Историческая топография Ташкентского оазиса. Фан. Ташкент. 1975. стр. 30-31.

## 2.2 ТОШКЕНТ ВОҲАСИДАГИ УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАР

Минтақанинг Тошкент воҳаси, аниқроғи, Ўрта Сирдарё воҳаси ерлари ва унинг ўнг ирмоқлари Чирчиқ ва Оҳангарон воҳалари уч томондан тақасимон шаклда «Осмонулар тоғ» тармоқлари - Фарбий Тяньшань, Чотқол ва Қурама адирлари билан ўралган. Шу билан биргаликда, ўзининг гуллаб яшнаган даврида бу ерлар ҳозирги воҳа билан чегараланмаган. Шимолда бу ерлар нафақат Келес воҳасини, балки, шимол томонга янада ичкарироқ чўзилиб, Арис воҳасини ҳам ўз ичига олади ва Ўтроргача боради. Бу ҳақда хусусан, Чоч ҳукмдорига юборилган Сўғд элчиси Фатуфарннинг ўз ҳукмдорига ёзган хатида маълумотлар сақланган<sup>55</sup>.

Бу ерларнинг яна бир ажралиб турадиган муҳим томони -Чотқол, Қурама ва Қорамозор тоғларидан олинадиган хом ашё ресурсларига бойлигида эди. Бу тоғлар айниқса, рангдор ва қимматбаҳо металлларга бой бўлган. Олтин, кумуш ва фируза кабилар Чочнинг Шарқ ва Европа давлатларига чиқарувчи муҳим ва асосий хом ашёси ҳисобланган.

Ўрта Осиёнинг алоҳида ҳудудларининг ўтроқ деҳқончилик ва маданиятига таъриф берган ҳолда, В. М. Массон шаҳарлашишнинг иккита босқичини кўрсатади.

1. Қадимги шарқ (милоддан аввалги III минг йилликнинг охири ва I минг йилликнинг ўрталари).

2. Антик (қадимги) давр (милоддан аввалги III аср-милодий IV аср).

Археологик топилмаларнинг гувоҳлик беришича, Тошкент воҳасида шаҳар кўринишидаги аҳоли пункти шаҳарлашиши жараёнининг иккинчи босқичида, Бурғулук маданиятининг охирларида пайдо бўлади. Бурғулук маданиятига тегишли топилмаларнинг таҳлилига кўра, ушбу жамоа хўжалиги деҳқончилик-чорвачилик ҳисобланган. Деҳқончилик билан ушбу жамоалар Чирчиқ ва Оҳангароннинг қуйи хавзалари ва сой бўйларида машғул бўлсалар, чорвачилик билан эса адир, чўл ва тоғли зоналарда

---

<sup>55</sup> Согдийские документы с горы Муг. Вып. 2/Пер. и комм. В.А.Лившица. М., 1962 с. 79

шуғулланишган. Ҳунармандчиликнинг турлари ичида асосий ўринни метал билан ишлаш ҳунармандчилиги эгаллаган. Тошкент воҳаси учун бронза буюмлар хос ҳисобланган ва турли-туман бўлган. Аҳоли турар жойларига яқин ерларда, ушбу буюмлар тайёрланадиган устахоналар, уларга тегишли ўчоқлар қазиб очилган. Археологик тадқиқотларга кўра, Чотқол-Қурама ҳудуди метал билан ишлаш ҳунармандчилиги маҳаллий ҳом ашё захираси асосида милoddан аввалги II минг йилликдан бошлаб шаклланган. Бурғулук маданияти жамоаси кулолчилик ҳунармандчилигида чарҳдан фойдаланишмаган. Ушбу жамоада сопол буюмлар тайёрлашда иккита асосий тайёрлаш усулидан фойдаланишган.

1. Мато қолип асосида

2. Лента асосида

Шунингдек ҳунармандчилик турлари ичида тўқимачилик ҳунармандчилиги ҳам мавжуд бўлган. Бироқ биз ҳунармандчилик турларининг чуқур ихтисослашув жараёнини кузатмаймиз. Аҳоли турар жойлари жуда оддий бўлиб, ярим ертўла шаклидадир. Уларда паҳса ёки хом ғишт намуналарини кузатмаймиз. Бурғулук маданияти меъморий ёдгорликлари ва иқтисодийнинг тахлили шуни кўрсатадики, меҳнат тақсимотининг чуқур илдиз отмаганлигидан, аҳолининг қурилиш жараёнининг қонун-қоидалари билан яхшиш таниш эмаслиги, тажрибага эга эмаслигидаг далолат беради. Шундай қилиб, биз шаҳар қурилишида Бурғулук жамоасида етарлича иқтисодий ва меъморий асосга эга эмаслигини кузатишимиз мумкин. Археологик топилмаларга кўра, милoddан аввалги IV-II асрларда Қанқа харобалари ўрнида бурчаклари ёруғлик томонга қаратиб қурилган мустаҳкам қалъа барпо этилади<sup>56</sup>. Ушбу қалъа тарҳи деярли квадрат шаклида бўлиб, майдони 6,5 гектарни ташкил этади. Атрофи мудофаа деворлари ва хандаклар билан ўралган. Қалъанинг шимолий қисмида арки-аъло жойлашган бўлиб, арки аъло ва шаҳар дарё билан боғланиб кетган кенглиги

<sup>56</sup> Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития города и городской культуры Ташкентского оазиса. Фан. Ташкент. 1982. стр. 102-103.

Буряков Ю. Ф. По древним караванным путям Ташкентского оазиса. Фан. Ташкент. Стр. 16-17.

50 метрни ташкил этувчи хандак билан ўралган. Қанқа атрофидаги ерлар билан жануби-ғарбий томонда жойлашган дарвоза билан боғланган бўлиб, биз бу ерда деворларнинг икки қатор бўлиб қурилганлигини кузатишимиз мумкин. Бу даврга оид арки аълонинг фортификацияси аниқланмаган. Археологик тадқиқотлар туфайли шаҳристон девори тузилиши аниқланмаган. Деворнинг асосини пахса ташкил этган, ундан сўнг эса квадрат шаклидаги ҳом ғиштлар намунаси кузатилади. Ташқи деворнинг калинлиги 2,7 метрни ташкил этади. Тахминларга кўра, деворлар икки қаторли бўлиб, буржларга эга бўлган. Топилган археологик топилмалар Қанқа ўрнида унчалик катта бўлмаган ва мустаҳкам муҳофаа деворига эга қалъа барпо этилганлигини кўрсатади. Бу ёдгорликдан топилган сопол буюмлар камчиликни ташкил этиб, улар қизил ангоб билан қопланган. Улар ўз шакли, ранги ва тузилишига кўра милоддан аввалги IV- II асрлар Сўғд сопол буюмларига ўхшаш. Қанқа ёдгорлиги ўрнидаги қалъа тузилишига эътибор берадиган бўлсак, унга ўхшаш ёдгорликларни шаҳарсозлик юқори ривожланган ўтроқ деҳқончилик воҳалари бўлмиш Сўғд, Бактрия, Хоразмда кузатишимиз мумкин. Квадрат шаклидаги ғиштларнинг меъморчиликда қўлланилишини биз милоддан аввалги IV-милодий III асрларда Бактриядан тортиб Хоразмгача бўлган ҳудудда учратамиз. Маълумки, Қанқа кўҳна шаҳари биринчи шаҳристони мил. авв. III аср бошларида шаклланган<sup>57</sup>. Ушбу шаҳристон антик даври харбий қурилиш аънасининг барча қоидалари, хусусан муҳофаа буржлари, шинаклар, икки ярусли ички галириядан иборат. Муҳофаа тизими асосида барпо қилинган. Шаҳристон ичкарасида муҳофаа девори ва уй-жой қурилиш иморатлари орасида жойлашган бўш жойда хунармандлар ишлаб чиқаришда кенг фойдаланилган<sup>58</sup>.

Агар биринчи шаҳристон шаҳар сифатида мил. авв. III асрнинг бошларида шаклланиб бўлган бўлса воҳа иқтисодий ҳаётида муҳим марказга айланиши табиий. Мил. авв. II асрдан бошлаб Қовунчи бир даврида воҳа

<sup>57</sup> Гродская культура Бактрии-Тохаристана и Согда. Т., 1987, стр. 34; Древний и средневековый город Восточного Мавераннахра. Т., 1990, стр. 118

<sup>58</sup> Богомолов Г. Городская культура Ташкентского оазиса (античность и раннее средневековье). // O'zbekiston ta'rixi. 2008, №2, 29-бет.

хўжалигида суғорма деҳқончиликнинг аҳамияти ортади. Бу даврда суғорма деҳқончилик ривожланиши билан суғориладиган ерлар майдони бир неча баробор кенгаяди. Бу ўз навбатида деҳқончилик учун зарур бўлган барча турдаги меҳнат қуролларига бўлган эҳтиёжнинг ортишига олиб келади. Натижада бошқа шаҳарлар каби Канка ҳам қишлоқ хўжалиги учун меҳнат қуроллари ишлаб чиқаришда муҳим ўрин тутганлиги табиий. Мазкур даврда қудратли Кангуйлар давлати қарор топганлиги маълум. Ёзма манбаларга асосланиб ушбу давлатнинг маъмурий марказларидан бири тадқиқотчи олимларнинг хулосаларига кўра Канка ўрнида бўлган. Кангуй каби қудратли давлат қўшинларини зарур қурол-яроғлар билан таъминлаш учун юксак даражада ривожланган ҳунарманчилик мавжуд бўлиши зарур эди. Ҳозирча Канканинг мазкур даврига оид ҳунарманчилик ишлаб чиқаришга оид моддий топилмалар сон жиҳатдан камчиликни ташкил этади. Ўрганилган моддий топилмаларни қиёсий таҳлил этиш асосида шаҳарнинг ҳунарманчилик ишлаб чиқариш тўғрисида тахминий хулоса яшаш имконини беради.

Ўрта Сирдарё хавзасида жойлашган ёдгорликлардан бири бўлмиш Бабишмулла ёдгорлигини кўриб чиқадиган бўлсак, у квадрат шаклидаги арки-аъло қисмга эга. Бабишмулла ёдгорлиги ярим айланасимон шакладги мустаҳкам мудофаа девори билан ўралган. Бабишмулла ёдгорлигида бир нечта қурилиш даврларини (босқичларини) кузатишимиз мумкин. Бироқ уларнинг барчасининг санаси милоддан аввалги IV-II асрлар билан белгиланади. Сопол буюмлар намуналари кўплаб учрайди. Қанқа ва Бабишмулла ёдгорлигида маҳаллий ва бошқа ўлкаларнинг ўтроқ деҳқончилик жамолари маданиятини кузатишимиз мумкин. Антик давр манбаларида Сирдарё хавзасида сак қабилалари иттифоқининг ўрнашган жойи сифатида келтирилади. Антик давр муаллифлари бўлмиш Страбонда ҳам Яксарт худудидаги сак қабилалари ҳақида маълумотлар келтирилади. В. В. Григорьев эса Тошкент воҳасини сака – тиграхаудалар жойлашган ўлка сифатида эътироф этади. Бу нуқтаи-назар эса И. Маркварт ва Р. Парсон

томонидан қўллаб–қувватланган<sup>59</sup>. Я. Ғуломов, К. А. Анишев ва бошқалар ҳам ўрта Сирдарё хавзасига сака-тиграхаудаларни жойлаштиради. Тошкент воҳасида милоддан аввалги II ва милодий V асрларда шаҳар маданияти ривожланган давр ҳисобланади. Бу давр учун археологлар томонидан 13 та шаҳар ва шаҳарчаларни қуйидаги жадвал сифатида келтиришган.

Шаҳар.	Майдони
1. Қанқа.	150 г.
2. Кавардан	75 г.
3. Кулота	45 г.
4. Қовунчитепа	25 г.
5. Киндиктепа	25 г.
6. Шохрухия	22 г.
7. Тўрткултепа I	16 г.
8. Тўрткултепа II	15 г.
9. Далварзинтепа	13 г.
10. Шаматепа	12 г.
11. Мингўрик	10 г.
12. Оққўрғон	4 г.
13. Оқтепа-2	тахминан 4 г.

Уларнинг шаклланишида 2 та босқични кузатишимиз мумкин. Биринчи босқичга Қанқа, Шарқия, Далварзинтепа, Киндиктепа, Қовунчитепа, Оқтепа-2 каби ёдгорликлар мисол бўлади. Биринчи босқичга оид шаҳарларнинг тарқалиш зонаси чегарланган. Ушбу босқичга оид шаҳарлар ичида энг йириги Қанқа ёдгорлиги ҳисобланади. Ушбу шаҳарлар ичидаги яна бир ёдгорлик Киндиктепа ҳисобланиб, у географик жихатдан қулай ерда жойлашган. Унинг умумий майдони 25 гектарни ташкил этиб, сунъий хандаклар билан уч қисмга ажратилган. Ёдгорликнинг жануби-шарқий қисмида айлана шаклидаги арки-аъло қисм жойлашган. Ушбу ёдгорликдаги

---

<sup>59</sup> Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития города и городской культуры Ташкентского оазиса. Фан. Ташкент. 1982. стр. 104-106.

маданий қатламлар қалинлиги, шахристон-2 да 2 метргача, арки аълода эса 4 метргача ташкил этади. Шаҳарнинг гуллаб-яшнаган даври Қовунчи II даврига тўғри келади. Шаҳристон қисмда бир-бирига яқин қилиб қурилган кўп хонали уйлар изларини кузатишимиз мумкин. Шаҳарнинг ғарбий қисмида, кўча бўйлаб 6-8 метр кенгликда хунармандчилик устахоналари қазиб очилган. Улар пахса деворли 3-4 хона ва ховлидан иборат. Ушбу устахоналар тўқимачилик, заргарлик каби хунармандчилик турларига мансуб. Зич қилиб қурилган аҳоли турар жойларини биз шахристон- I қисмида ҳам кузатишимиз мумкин. Шаҳристон-I нинг жанубий ва шарқий қисмида кулолчилик хунармандчилигига тегишли устахоналар мавжуд бўлиб, улардан сопол буюмлар пишириладиган бир ярусли хумдонлар топилган. Шаҳристоннинг шимоли-шарқий қисмида эса метал билан ишлаш хунармандчилигига оид устахона мавжуд бўлиб, унда темир крицларни тозалаш ва уларга қайта ишлов бериш амалга оширилган. Чирчиқ водийсида жойлашган шаҳар пунктларидан бири Қовунчитепа ёдгорлиги ҳисобланади<sup>60</sup>. Ушбу ёдгорликда Қовунчи маданияти қатламлари 7-8 метрни ташкил этади. Ёдгорликни ўраб турувчи мудофаа деворлари тўғри тўртбурчак шаклидаги ҳом ғиштлардан қурилган бўлиб, деворлар қалинлиги 6,5 метрни ташкил этади. Уларга тақаб ҳарбий характердаги аҳоли турар жойлари қурилган. Тахминларга кўра, бу ерда ҳарбий гарнизон жойлаштирилган. Ушбу ёдгорлик кўчманчи аҳоли чегарасида жойлашган бўлиб, мудофаа иншооти яъни шаҳар-қалъа вазифасини бажарган. Иккинчи босқичга келиб эса шаҳарлар сони ўсади, уларнинг географик чегараси кенгаяди. Сирдарёнинг ўнг қирғоғи бўйлаб Тўрткултепа II қалъаси, Чирчиқ ва Оҳангароннинг қуйи қисмида эса Тўрткултепа I, Шаматепе ва Оққўрғон шаҳарчалари пайдо бўлади. Улар билан бир вақтда эса воҳанинг ички қисмида йирик шаҳарлар пайдо бўла бошлайди, яъни тоғ олди ва чўл зонасининг чорвадор аҳолиси билан чегарадош бўлган ҳудудда. Уларнинг ичидан энг йириги Кавардан

---

<sup>60</sup>Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития города и городской культуры Ташкентского оазиса. Фан. Ташкент. 1982. стр. 104-106.

ҳисобланиб, у географик жихатдан қулай ерда жойлашган. Икки томондан у дарё билан, учинчи томондан эса унинг ирмоқлари билан ҳимояланган. Чирчиқ томонга қараб айланасимон тарҳига эга арк қисм жойлашган. Унинг мудофаа деворлари сўнгги Қовунчи I даврига оид пахса блоклари ва тўғри бурчак шиклидаги ғиштлардан қурилган. Ушбу даврда шаҳар марказида ҳам ҳаёт мавжуд бўлган. Қовунчи II даврида шаҳарларнинг асосий мудофаа тизими айланасимон минораларга эга бир қатор деворлардан иборат бўлган. Оҳангароннинг ўрта оқими хавзасида Кулота шаҳар пункти шаклланади. Унинг қалъа қисми Қовунчи I даврида шаклланади ва унинг иккинчи босқичида майдони кенгайиб 50 гектарни ташкил этади. Арк қисмда учта қурилиш босқичсини кузатишимиз мумкин. Арkning атрофини майдони 10 гектарни ташкил этувчи зич қилиб қурилган аҳоли турар жойлари ўраб олган. Шаҳарда кўплаб метал билан ишлаш ҳунармандчилиги маҳсулотлари топилган. Бу эса ўз навбатида Кулотани ҳунармандчилик маркази сифатида эътироф этиш ва ўрта шаҳарлар қаторига қўшиш имконини беради. Чирчиқ водийсида шаҳар аҳамиятидан яна у Чирчиқ водийсида чўл зонаси билан чегарадош қалъа сифатида ҳам эътироф этилган. Бундай ҳолат Қовунчитепанинг биринчи босқичида кузатилади. Иккинчи худди шундай қалъаларга Тўрткултепа I ва Мингўрик ёдгорлигини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Тўрткултепа квадрат шаклига эга бўлиб, унинг деворлари қалинлиги 8 метрни ташкил этади. Унинг ички томонида йўлакларга олиб чиқувчи хоналар мавжуд бўлган. Бу аскарлар учун қурилган маҳсус хоналар ҳисобланган. Мингўрик ёдгорлиги мудофаа деворлари қалинлиги 6,5 метрни асосида ташкил этиб, пахсадан қурилган<sup>61</sup>. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, Мингўрик ёдгорлигининг моддий маданияти генетик жихатдан Қовунчи I даври билан боғлиқ, бироқ баъзи бир сопол буюмлар намуналари эса Мингўрикнинг мудофаа қисми шаклланиши Қовунчи II даврига бориб тақалади. Деворлар ичидаги хоналар, шаҳарнинг

---

<sup>61</sup> Филианович М.И. Ташкент - зарождение и развитие города и городской культуры. Фан. Ташкент. 1983. стр. 78-79. □

тузилиши ва тарҳи Қанқа ва Тўрткултепа ёдгорликларининг мудофаа тузилишига ўхшаш. Чоч шаҳарлари тавсифини Чоч таркибига кирмаган ва Тошкент воҳасидан ташқарида жойлашган Оқтепа-2 ёдгорлиги билан тўлдириш ўринли бўларди. Ушбу ёдгорлик шахристон ва арк қисмлардан ташкил этилган бўлиб, умумий майдони 3,75 гектарни ташкил этади. Ушбу ёдгорлик Сирдарё қирғоғида, Чордара районида жойлашган. Мудофаа деворлари пахсадан қурилган бўлиб, ундан 3 метр масофагача чиқиб турувчи овалсимон миноралар мавжуд бўлган. Аҳоли турар жойлари эса тўғритўртбурчак ва квадрат шаклидаги ғиштлардан қурилган. Сарой мажмуаси кириш қисм, кенг йўлаклар ва бешта хочсимон шаклда жойлашган хоналардан иборат. Шаҳарлар тарҳининг тузилиши тадқиқотчиларга қадимги давр учун икки турдаги шаҳарларни ажратиш имконини беради.

1. Тўғри шаклдаги мудофаа деворларига эга шаҳарлар.
2. Аморфсимон нотўғри шаклдаги мудофаа деворларига эга шаҳарлар.

Биринчи турдаги шаҳарлар асосан воҳанинг ғарбий қисмида Сирдарёга яқин жойда шаклланади. Уларга томонлари ёруғликка қараган тўғритўртбурчак ва квадрат шаклдаги тарҳа эгаллиги ва хандаклар билан ўралган арк ҳамда шахристонлар ҳос ҳисобланади. Воҳанинг марказларидаги Мингўрик, Тўрткултепа ёдгорликларининг мудофаа тизими ҳам квадрат шаклдаги тарҳга эга ҳисобланади. Нотўғри шаклдаги шаҳарлар асосий қисмининг мудофаа тизими ва овалсимон ёки айланасимон тарҳга эга арк қисмлари биринчи турдаги шаҳарлардан фарқ қилади. Масалан; қуйидаги шаҳарларга Оққўрғон ва Кавардан ёдгорликларининг арк қисмини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Сўнги йилларда Тошкент воҳаси ҳудудида ўтказилган археологик тадқиқотлар унинг қадимги дехқончилик марказлари ўчоқлари тарқалган шимолий ҳудудлардан бири эканлигини кўрсатди. Бу ҳудудда дехқончилик марказлари сунъий суғориш учун қулай ерларида бронза даврининг сўнги

босқичларида шаклланади. Шундай деҳқончилик марказларидан бири Бурғулук ирмоғи, Тошкент канали бўйлаб топилган ва бутун бир маданиятга Бурғулук маданияти номи берилган.<sup>62</sup> Шоштепа ёдгорлигида ўтказилган археологик тадқиқотлар эса ушбу маданиятнинг бир қисми ҳозирги замонавий Тошкент худудида ҳам мавжуд эканлигини кўрсатди. Тошкент микроҳавзаси ичида Шоштепа ёдгорлиги алоҳида муҳим ўринга эгадир. Бу ёдгорликда Чирчиқ водийсининг дастлабки мавсумий манзилгоҳларидан тортиб Амир Темур ва Темурийлар давригача бўлган бутун бир тарихи ёритилади. Бу ёдгорлик қуйи қатламларининг ўрганилиши аждодларимиз томонидан Тошкент воҳасининг ўзлаштирилиши ва ривожланиш динамикасини ёритиш учун муҳим ҳисобланади. Шоштепа ёдгорлиги Салордан оқиб чиқувчи йирик канал Жун қирғоғида, замонавий Тошкентнинг жанубий қисмида жойлашган. Ёдгорлик баландлиги 18-19 метрни ташкил этувчи цитадель ва унинг ғарбий томонида жойлашган иккита аҳоли манзилгоҳидан иборат. Ушбу қишлоқлардан биринчисининг умумий майдони 1,8 гектарни ташкил этади. Жун канали эса биринчи қишлоқни цитадель билан бирга умумий майдони 25 гектарни ташкил этувчи иккинчи қишлоқдан ажратиб туради. Дастлаб ушбу ёдгорлик 1896 йилда Туркистон ҳаваскор археологлар тўғараги аъзолари томонидан ўрганилган.<sup>63</sup> 1934 йилда ёдгорлик Г. В. Григорьев томонидан ўрганилади<sup>64</sup> ва 1956 йилда археологик қазишма ишларини Н. И. Крашеннинникова давом эттиради.<sup>65</sup> Дастлаб Г. В. Григорьев ёзма манбаларга асосланган ҳолда Шоштепа ёдгорлиги сакларнинг ер ости ибодатхонаси деб ҳисоблаган ва ёдгорлик даврий санасини сакларнинг даври билан белгилаган.<sup>66</sup> Н. И. Крашеннинникова эса эса махсус археологик қазишма ишларини амалга

---

<sup>62</sup> Тереножкин А. И. Памятники материальной культуры на Ташкентском канале // Известия УзАН СССР. 1940. №9. стр. 33.

<sup>63</sup> Протокол заседания ТКЛА от 26 августа 1896 г // ПТКЛА, 1, Ташкент. 1896. стр. 23-26.

<sup>64</sup> Григорьев Г. В. Отчет об археологической разведке в Янгиюльском районе Уз ССР в 1934 г. Ташкент. 1955. стр. 22-43.

<sup>65</sup> Крашеннинникова Н. И. Археологические наблюдения на Чаштепа // Труды ТашГУ. Вып. 172. Ташкент. 1955. стр. 150. □

<sup>66</sup> □Григорьев Г. В. Отчет об археологической разведке в Янгиюльском районе Уз ССР в 1934 г. Ташкент. 1955. стр. 35.

оширмаган. У маданий қатламлардан топилган сопол буюмлар, тош буюмлар, суякдан ишланган топилмалар кўринишадаги моддий маданият намуналарини ўрганиш асосида ёдгорликнинг санасини милодий III-V асрлар билан даврлайди.<sup>67</sup> Фақатгина 1970 йилга келибгина ёдгорлик стратиграфик жихатдан ўрганилиши амалга ошрилади ва Г. Дадабаев томонидан чуқурлиги 8 метрни ташкил этувчи шурф казилади.<sup>68</sup> Шу даврда ёдгорликнинг қуйи қатламларининг бурғулук маданиятига оид эканлиги аниқланган ва даврий санаси милоддан аввалги II-I асрлар билан белгиланган. Шоштепа ёдгорликнинг қуйи қатламлари ва улардан топилган моддий маданият намуналари Тошкент воҳаси худудида маданиятнинг дастлабки ривожланиш босқичларини аниқлаш имконини берди. Тошкент археологик гуруҳи томонидан 1978-1988 ва 2000-2002 йиллар давомида маданий қатламлари қалинлиги 12 метрни ташкил этувчи ёдгорликнинг цитадель қисмида олиб борилди ва икки қатор деворлар билан ўралган хочсимон шаклга эса иншоот бутунлай қазиб очилади. Ўтказилган археологик қазишмалар натижасида шу нарса аниқландики, ушбу ёдгорлик милоддан аввалги I минг йиллик бошларидан бошлаб Темурийлар даврига қадар мавжуд бўлган. Ёдгорликда ўтказилган стратеграфик тадқиқотлар натижасида Шош I, Шош II, Шош III, Шош IV, Шош V каби комплексларга ажратилган ва бу комплекслар қадимги, антик, ўрта асрлар даврини ўз ичига олади. Бу комалекслар ичида энг қадимгиси Шош I комплекси ҳисобланади. Шош II эса комплексидан кўплаб сопол буюмлари топилган. А.И. Тереножкин ёдгорликдан топилган кўлда ишланган сопол буюмлар намуналарини милоддан аввалги VI-IV асрлар билан белгилаган. Х. Дуке эса Туябўғиз ёдгорликларидан топилган материаллар асосида бу маданиятнинг бошқа маданиятлар билан яқинлигини аниқлаган ва санаси милоддан аввалги IX-VIII асрлар билан белгилаган. Унинг фикрига кўра, бурғулук маданияти жамоасининг асосий хўжалиги тури бўлмиш чорвачилиқдан ўтроқ деҳқончилик хўжалигига ўтган бронза

<sup>67</sup> Крашенинникова Н. И. Археологические наблюдения на Чаштепа // Труды ТашГУ. Вып. 172. Ташкент. 1955. стр. 158-162.

<sup>68</sup> Буряков Ю. Ф., Дадабаев Г. Памятники античного времени в Ташкентском оазисе// ИМКУ. Вып.10. Ташкент. 1973. стр. 40.

даври дашт зонаси андронава маданияти асосида шаклланган. М. И. Филанович ҳам дастлаб ушбу ёдгорлик санасини милоддан аввалги VI-IV асрлар билан белгилаган эди. Бироқ у томонидан Шош I комплексида ўтказилган қазишмалар натижасида тўрт дона сопол буюмлар намуналари топилган ва улар қўлда ишланган бўлиб, ўз тузилишига кўра бурғулук маданияти топилмаларидан кескин фарқ қилади. Бу буюмларнинг барчаси ўз тузилишига кўра бронза даври дашт маданияти буюмларига ўхшаш. Андронава-Тозабөгёб маданияти ёдгорликлари Тошкент воҳаси ва Тошкент шаҳри ҳудудларидан аниқланган. Улар манзилгоҳ, мазорлар ва алоҳида топилмалар кўринишида маълум. Бундай турдаги топилмалар Тошкент канали бўйлаб,<sup>69</sup> Туябўғиз сув омбори ҳудудидаги манзилгоҳ, Чирчик, Оҳангарон қирғоқлари бўйлаб ва Тўйтепа яқинидаги қабристонлардан топилган.<sup>70</sup> Бундай турдаги топилмалар эса Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган “Никифоров ерлари” мазор-қўрғонидан топилган.<sup>71</sup> Кейинчалик эса Чилдухтаронтепа ёдгорлигидан учта қабрлар очилган бўлиб, уларда ҳам кенг тағ қисмига эга нақшсиз сопол буюмлар, бронза безак буюмлари топилган.<sup>72</sup> Шунингдек чорвадор жамоаларнинг қисқа муддатли манзилгоҳлари Қорақамиш ирмоғи яқинидаги ҳудуддан ҳам топилган.<sup>73</sup> Бу ердан ҳам муҳрли нақшлар туширилган қўлда ишланган сопол буюмлар намуналари топилган. Ушбу барча топилмалар милоддан аввалги II минг йиллик ўрталари ва иккинчи ярми билан даврланади. Бу эса ўз навбатида сўнгги бронза даврида Тошкент шаҳри ҳудудида чорвадорлар келиб ўрнашган ва ўзларидан сўнг манзилгоҳ ва қабрлар қолдириб кетишган. Шоштепанинг қуйи қатламларидан топилган айрим сопол буюмлар намуналари эса айниқса нақшларига кўра Тозабөгёб-андронава маданияти топилмаларидан фарқ қилади. Шоштепа топилмаларида Қозоғистон бегази-

<sup>69</sup> □ Тереножкин А. И. Древнейшие земледельцы Ташкентского оазиса // Древняя и средневековая культура Чача. Ташкент, 1979. стр. 10-16.

<sup>70</sup> Дуканов Х. Новая стоянка эпохи бронзы в Ташкентской области // ИМКУ. Вып. 15. Ташкент. 1979. стр. 44.

<sup>71</sup> Оболдуева Т. Г. Погребальные курганы эпохи бронзы в Ташкентской области // КСИИМК, XXIX. М., 1955.

<sup>72</sup> Збруева А. В. Древние культурные связи Средней Азии и Приуралья // ВДИ. 1946. №3. стр. 186; Эпоха бронзы степной полосы СССР. М., 1987. стр. 79.

<sup>73</sup> □ Рахимов С. Стоянка эпохи бронзы Серкали // ОНУ. 1970. №6. стр. 41-42.

дандебаев маданияти топилмаларига ўхшашлигини кузатишимиз мумкин. Бегази-дандебаев маданияти андрона маданиятининг тугалланувчи босқичи ҳисобланади ва кўпчилик тадқиқотчилар томонидан милоддан аввалги X-VIII асрлар билан даврланган.<sup>74</sup> Баъзи бир сопол буюмлари ўз тузилишига кўра, Марказий Қозоғистонда бегази – дандебаев маданиятидан аввалроқ мавжуд бўлган маданият материалларига ўхшаш.<sup>75</sup> Кўпчилик тадқиқотчилар бегази-дандебаев маданияти Қозоғистон андрона маданияти асосида шаклланган деб ҳисоблашади. Уларнинг асосчилари эса чорвачилик эхтимолки деҳқончилик билан ҳам шуғулланишган бўлишлари мумкин. Шоштепанинг бронза даври андрона маданияти топилмаларига ўхшаш буюмлардан ташқари бош кийими бегази намунаси ҳам топилган. Бу топилма бронза даври дашт қабилалари орасида милоддан аввалги II минг йилликнинг биринчи чорагидан бошлаб кенг тарқалган.<sup>76</sup> Бу буюм спиралсимон шаклдаги олтин ҳалқа бўлиб, бундай турдаги бош кийими бегази Трансилваниядан тортиб олтойга қадар кенг тарқалган ва кўпгина Евроосиё маданиятларига хос ҳисобланади. Бироқ ҳар бир худуд ушбу буюмни тақиб юриши билан бир-биридан фарқ қилган ва Н. А. Аванесованинг фикрига кўра қимматли эпитафик белги ҳисобланади.<sup>77</sup> Бундай турдаги топилмалар бегази-дандебаев маданияти ёдгорликлари топилмаларидан ҳам маълум. Бу тақинчоқ кўринишига яқин буюмлар Марказий Қозоғистоннинг Жиланди қабристонидан ҳам топилган. Бу топилмалар болнза даври милоддан аввалги X-VIII асрлар билан белгиланган.<sup>78</sup> Бурғулуқ топилмалари ичида энг диққатга сазовор буюм –бу бронза найлар ҳисобланади. Бу буюмларга ўхшаш топилмалар Жанубий Бақтриянинг Тиллатепа ёдгорлиги топилмаларидан ҳам мавжудлиги

<sup>74</sup> Маргулан А. Х. Бегази – дандыбаевская культура // Древняя культура Центрального Казахстана. Алма-Ата, 1966. стр. 163.; Маргулан А. Х. Бегази – дандыбаевская культура // Древняя культура Центрального Казахстана. // Соч. Т. 1 Алма-Ата, 1998. стр. 381.; Байпков К. М., Таймагамбетов Ж. К. Археология Казахстана – Алматы, 2006. стр. 96-100.

<sup>75</sup> Маргулан А. Х. Бегази – дандыбаевская культура // Древняя культура Центрального Казахстана. Алма-Ата, 1966. стр. 122.

<sup>76</sup> Эпоха бронзы лесной полосы СССР. Археология СССР. М., 1987. стр. 79.

<sup>77</sup> Аванесова Н. А. Культура пастушеских племен культуры бронзы азиатской части СССР.-Ташкент, 1991. стр. 53-54.

<sup>78</sup> Кадырбаев М. К. Могильник Жиланды на р. Нуре// В глубь веков.-Алма-Ата. 1974. стр. 39.

аниқланган. В. И. Сарияниди томонидан Тиллатепа ёдгорлигида Тилла I ва Тилла II комплекслари аниқланган ва уларнинг даврий санаси милоддан аввалги 1300-1000 ва 1000-600 йиллар билан белигиланган.<sup>79</sup> Бундай турдаги буюмлар шунингдек маданий қатламлари милоддан аввалги XIII – VIII асрлар билан белгиланган Белужистондаги Пирак ёдгорлигида ўтказилган қазилмалар жараёнида ҳам топилган. В. И. Сариянидининг фикрига кўра, бу буюмлар диний характерга эга бўлган. Шоштепа ёдгорлигидан топилган бундай турдаги топилмалар қандайдир маънода Тошкент воҳаси ҳудудида бегази-дандебаев маданиятига ўхшаш маданият мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Тахмин қилиш мумкинки, бу маданиятлар бурғулук маданияти билан бир вақтда мавжуд бўлган ва хўжалик юритиш шакли жихатидан бирига яқин бўлган. Бегази-дандебаев маданиятининг чорвачилик ва деҳқончилик хўжалиги характери ушбу маданиятга тегишли қабристонларда кузатилади. Қабрлардан овқат солинган сопол идишлар ичида отлар ва кўйларга тегишли суяклар намуналари ҳам топилган. Худди шундай ҳолатни Шоштепа бурғулук маданияти жамоаларида ҳам кузатишимиз мумкин. Бурғулук комплексида юқорида келтирилган сопол буюмлар намуналарининг ҳамда бронза буюмларининг Шоштепа ёдгорлигида учратилиши, ёдгорлик яқин атрофида бегази-дандебаев маданияти чорвадорларининг маконлари мавжудлигини ва ўтроқ деҳқонлар билан чорвадорлар ўртасида алоқалар бўлганлигини кўрсатади. Шоштепа қишлоқларида ўтказилган археологик қазилмалар натижасида бу ердан бир нечта аҳоли турар жойлари ўрганилган.

1. аҳоли турар жойи – нотўғри шаклдаги кўринишга эга бўлиб, деворлар излари аниқ очилмаган. Ўлчамлари 2,1x1,8 метр. Пол саҳнида оқ рангдаги сувоқ изларини кузатамиз. Маданий қатламларидан кўплаб ҳайвон суяклари. Сопол ва тош буюмлари намуналари топилган.

---

<sup>79</sup> Сарияниди В. И. Храм и некрополь Тиллатепа. М., 1989. стр. 23-38.

2. Аҳоли турар жойи кенг кириш қисмига эга бўлган, нотўғри шаклдаги кўринишга эга. Ўлчамлари 2,1x1,8 метр. Бундан ташқари худди шундай кўринишдаги яна иккита ертўла ва ярим ертўла шаклидаги турар жойлар қазилмалар жараёнида аниқланган. Ертўла шаклидаги бу аҳоли турар жойлари Туябўғиз аҳоли турар жойларига ўхшаш, бироқ улар ўлчамлари жихатидан кичикроқдир. Туябўғиз аҳоли турар жойлари ўлчамлари 2,3x1,7 метрдан 6,35x3,5 метргачадир. Сопол буюм ичида шакли жихатидан янги турдаги сопол буюмлар намуналарини ҳам кузатишимиз мумкин. Металл буюмлар Охангарон бурғулук маданияти топилмаларига ўхшаш.<sup>80</sup> Бу металл буюмларга ўхшаш буюмлар Жанубий Туркменистондаги Яз-депа ёдгорлигидан,<sup>81</sup> Жанубий Ўзбекистондаги Кучуктепа ёдгорлигидан,<sup>82</sup> Тожикистондаги Оқ-Танги ёдгорлигидан,<sup>83</sup> Фарғона водийсидаги Чуст маданияти ёдгорликларидан топилган<sup>84</sup> ва милоддан аввалги X-VII асрлар билан даврланади.

Археологик тадқиқотлар натижасида Шоштепа ёдгорлигининг қуйи қатламларидан бурғулук маданиятига оид бўлган ўтроқ деҳқон ва чорвадорлари қолдиқлари манзилгоҳлари топилган. Бурғулук маданиятига оид бўлган манзилгоҳлар Охангароннинг ҳар иккала қирғоғи бўйлаб жойлашган ва уларнинг даврий санаси милоддан аввалги IX – VII асрлар билан белгиланган. Шоштепа қуйи қатламларидан сопол буюмлари ва меҳнат куроллари намуналари Бурғулук маданиятига хос ҳисобланади. Шоштепа ёдгорлигида олиб борилган археологик қазилмалар натижасида унинг тараққиётида иккита босқич белгиланган ва милоддан аввалги VI – IV асрлар билан белгиланган. Бу босқичлар Бурғулук маданиятининг иккинчи тараққиёт бўлишига тўғри келади. Бу даврлаштириш сопол буюмлар ва тумир ишланган буюмлар намуналари асосида амалга оширилган. Кейинчалик

<sup>80</sup> Филанович М. И. Дуже Х. О древнейшем поселение на Шаштепа в Ташкенте.//ИМКУ. Вып. 24. – Ташкент. стр. 54.

<sup>81</sup> Массон В. М. Древнеземледельческая культура Маргианы// МИА. 73. М-Л., 1959. стр. 45.

<sup>82</sup> Аскарлов А., Альбаум Л. И. Поселение Кучуктепа. Ташкент. 1979. стр. 43.

<sup>83</sup> Литвинский Б.А., Окладников А.П., Ранов В. А. Древности Кайрак-Кумов. Душанбе. 1962. стр. 210.

<sup>84</sup> Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы // МИА. 118. М-Л., 1962. стр.37.

Шоштепа ёдгорлигида олиб борилган тадқиқотлар бу ердаги бурғулук манзилгоҳларининг даврига аниқлик киритиш имкониятини берди. Шоштепа ёдгорлигининг қуйи қатламларида бурғулук манзилгоҳларининг биринчи қисмида дашт зонаси бронза даври маданиятига оид бўлган сопол буюмлар ва бош қийими беаги намунасининг топилишига алоҳида эътибор беришимиз лозим. Ушбу буюмлар Бурғулук комплекси намуналаридан фарк қилади. Баъзи бир буюмлар ўз тузилишига кўра Тилла II ва Пирак II комплексларидан топилган буюмларга ўхшашдир ва бу эса ўз навбатида Шоштепа қуйи қатламлари санасига аниқлик киритиш имкониятини беради. Тадқиқотчилар фикрига кўра Жанубий Туркменистон худудидаги ЯзI ва Шимолий Бактриянинг Тилла II моддий маданиятида ўхшашлик мавжуддир, айниқса милоддан аввалги IX асрлар. Умуман олганда Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятлари ва Афғонистон нақшинкор сопол буюмларида умумийлик кузатилади. Ўрта Осиёнинг жанубида Яз маданияти радиокарбон таҳлилга кўра милоддан аввалги XV – XIV асрларга бориб тақалади ва милоддан аввалги IV асрларда Александр Македонский юришлари натижасида инқирозга юз тутди. Бироқ ЯзI маданияти милоддан аввалги VII асрга қадар мавжуд бўлади ва унинг ўрнида янги ЯзII маданияти шаклланади. Шош I компоексида ЯзI маданиятига ўхшаш буюмларнинг топилиши ушбу маданият қатламларининг қадимийлаштириш имкониятини беради. Бу ўз навбатида ЯзI типидидаги сопол буюмлар намуналарининг Суғдда топилиши ва Чуст маданиятининг қайтадан даврлаштирилиши ҳам тасдиқлайди. Айниқса Далварзинтепа метал буюмлари намуналарининг таҳлили В.Д.Рузанов томонидан амалга оширади ва санаси милоддан аввалги II минг йилликнинг ўрталари билан даврланади. Бунинг натижасида буюмлар Сополли маданияти буюмлари билан синхронлаштирилган. Ҳозирда Чуст маданиятининг янги санаси милоддан аввалги XXV асрдан бошланади. Ю.А. Заднепровский томонидан унинг учта босқичи белгиланган. 1 – босқич. милоддан аввалги XXV-XIX-XVIII асрлар; 2 – босқич. милоддан аввалги XV-XIV асрлар; 3 – босқич. милоддан аввалги X-VIII асрлар. Маданиятнинг

дастлабки босқичига оид бўлган сопол буюмлар Шарқий Туркистон сопол буюмлар комплексига ўхшашдир. Ҳозирги кунда Бурғулуқ маданияти жанубнинг нақшинкор сопол буюмлар маданиятларни бир бири билан боғлаб турувчи кўприк вазифасини ўтайдиган ёдгорлик Суғддаги Кўктепа ёдгорлиги кўйи қатламлари ҳисобланади. Кўктепа ва Бурғулуқ топилмаларини таҳлил этиш натижасида улар ўртасидаги ўхшашликни кузатишимиз мумкун. Жун ирмоғи худудини ўзлаштирган бурғулуқ жамоасига тегишли манзилгоҳ ҳозирча Тошкент худудида умумий майдони 100м<sup>2</sup> ташкил этувчи ягона ва қадимий ўтроқ деҳқончилик манзилгоҳи ҳисобланади. Бурғулуқ ёдгорлиги сингари Шоштепа манзилгоҳи ертўла ва яримертўла шаклида бўлган. Ҳар бир аҳоли турар жойларида ўчоқлар излари кузатилган. Пахса ёки хом ғиштлар қурулишда деярли кам миқдорда қўлланилган. Шоштепа ёдгорлигида кўплаб бошоқли экинлар қолдиқлари ва уларга ишлов бериш учун қўлланилган буюмлар намуналарининг топилиши шоштепаликларнинг деҳқончилик ҳўжалиги билан шуғилланганлигидан далолат беради. Шунингдек ушбу ёдгорлик жамоаси хонаки чорвачилик билан ҳам шуғилланишган. Маданий қатламлардан кўплаб ҳайвон суяклари топилиши бу ҳақда далолат беради. Жамоада кенг тарқалган хунармандчилик турлари тўқимачилик, металлургия, суяк ва тошга қайта ишлаб бериш ва ундан меҳнат қуролларини ясаш ҳисобланган. Баъзи бир топилмалар эса Шоштепа манзилгоҳини милоддан аввалги IX-VIII асрларга қадар қадимийлаштириш имкониятини беради. Шоштепа манзилгоҳининг инқирозга учраши даврига эътибор берадиган бўлсак унинг худудида кўчманчиларга тегишли қабрларнинг пайдо бўлиши ёдгорликнинг аҳоли томонидан ташлаб кетилиши даврига тўғри келади. Суғд, Марғиёна ва Бақтрияда нақшинкор сопол буюмлар ва эллинизм даври оралиғида милоддан аввалги VI-IV асрлар Аҳамонийлар даври сопол буюмлари жойлаштирилади. Иккинчи босқичга оид Бурғулуқ манзилгоҳи милоддан аввалги VI-IV асрларда ҳам давом этган. Аҳолининг бир қисми Жанубга Уструшона худудларига кўчиб ўтган. Чунки Сирдарёнинг чап қирғоғи худудидан бурғулуқ топилмаларига ўхшаш кўплаб

сопол буюмлар намуналари топилган. Эҳтимол бу ҳолат шимолда сак кабилаларининг миграцияси ва саклар маданиятининг иашкил топиши жараёни билан боғлиқдир. Аҳолининг бир қисми эса сак кабилаларига қўшилиб чорвачилик билан шуғулланишади. Шоштепа атрофидан кўчманчиларга тегишли кўплаб сопол буюмлар намуналарининг топилиши бу ерда саклар маданияти мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

## ХУЛОСА

Мазкур битирув малакавий ишида Ю.Ф. Буряков томонидан Тошкент воҳаси антик даври археологик ёдгорликларида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида тўпланган маълумотлар асосида ўрганилди.

Милоддан аввалги I минг йилликнинг ўрталарида Тошкент воҳасида ўтроқ аҳолининг бир неча жойлашув ҳудудлари шаклланди.

Тошкент воҳасида Ю.Ф. Буряков томонидан олиб борилган казишмаларнинг кўп қатламлиги милоддан аввалги IV асрларда жадаллик билан ўзлаштирилиб борилганидан далолат беради.

Ю.Ф. Буряков томонидан Канка ёдгорлигидан топилган кўп миқдордаги моддий ашёлар қадимий ва илк ўрта асрларда Тошкент воҳасининг Ўрта Осиё минтақасидаги тарихий ва бадий жараёнларга уйғун ҳолда кечган қизғин ҳаётдан далолат беради.

Битирув малакавий иши Ю.Ф. Буряковнинг Тошкент воҳасининг антик даври тарихига оид таҳлил этилган ва умумлаштирилган маълумотлар асосида қуйидагича хулосалар чиқариш мумкин:

Канка ёдгорлигида Ю.Ф. Буряков томонидан олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида Тошкент воҳаси тарихида алоҳида ўрин тутган бу ёдгорликнинг асосий объектлари ўрганилди. Тошкент воҳасида XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб кенг кўламдаги тадқиқотлар олиб борилди. Ҳозирги кунда ҳам бу ҳудуд археологик жиҳатдан ўрганиш давом этмоқда, тўпланган маълумотлар Ўзбекистон қадимги тарихи саҳифаларини ёритишга имкон яратди;

- Милоддан аввалги IV асрда Тошкент воҳаси юксала бошлади. Бу даврда Тошкент воҳаси маъмурий ва иқтисодий, маданий, диний, ҳарбий марказларидан бирига айланиб, шаҳарда ҳунармандчилик, ўзаро алмашув ҳамда савдо-сотик гуркираб ривожланди;

Ю.Ф. Буряковнинг тадқиқотлар натижасида Тошкент шаҳарнинг ёши 2200 йилдан кам эмас деб белгиланган. Келажакда бу ҳудудда олиб

бориладиган археологик тадқиқотлар Тошкент воҳаси тарихининг очилмаган саҳифаларини очилишига кенг имкониятлар яратади.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

### **Президент асарлари:**

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т; “Шарқ”, 1998

### **Асосий адабиётлар:**

1. Абдуллаев К. Археологическое изучение городища Канка (1969-1972).// ИМКУ, Вып. 12. Т., 1975
2. Абдуллаев К. Исследование городища Канка (Древней Харашкет городища в Ташкентском оазисе). Дисс. на соис. уч. ст. кан. ист. наук. Т., 1975
3. Абу-л Касим ибн Хаукал. Извлечения из книги «Пути и страны», пер. Е.К.Бетгера, Труды САГУ, вып. IV, 1957
4. Белиницкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый города Средней Азии. Л., 1973
5. Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. I. М.-Л., 1950; Т. 2, 1950; Т. 3, 1953
6. Богомолов Г. Городская культура Ташкентского оазиса (античность и раннее средневековье).//O'zbekiston tarixi. 2008, №2
7. Брусенко Л.Г., Галиева З.С. Материалы раскопок квартала X- начала XI вв на городище Канка //ИМКУ, Вып. 19, Т., 1974
8. Буряков Ю. Ф., Дадабаев Г. Памятники античного времени в Ташкентском оазисе// ИМКУ. Вып.10. Ташкент. 1973
9. Буряков Ю.Ф, Кошеленко Г.А. Ташкентский оазис. Бургулюкская культура.// Древнейшие государства Средней Азии и Кавказа. М., “Наука”. 1985
- 10.Буряков Ю.Ф. Бассейн Среднего Яксарта в древности и раннем средневековье // Городская культура Бактрии-Тохаристана и Согда.

- Античность, раннее средневековье. Материалы Советско-Французского коллоквиума (Самарканд, 1986), Т., 1987
11. Буряков Ю.Ф. Генезис и динамика развития материальной культуры бассейна Сырдарьи (проблемы взаимосвязи земледельцев и скотоводов) *International Journal of Central Asian Studies*. Vol. 9. Seoul, 2004
  12. Буряков Ю.Ф. Генезисы и этапы города и городской культуры Ташкентского оазиса Т., 1982
  13. Буряков Ю.Ф. Древний и средневековый город Восточного Мавераннахра «Фан», Т., 1990
  14. Буряков Ю.Ф. Историческая топография древних городов Ташкентского оазиса (историко-археологический очерк Чача и Илака): Т., 1975.
  15. Буряков Ю.Ф. Керамическое производство средневекового Чача по материалам Канки и Шахрухии. Материалы международной конференции посвященной юбилею Шишкина. М., 2000.
  16. Буряков Ю.Ф. Роль металлургии в урбанизации среднеазиатского междуречья // *Tsonsoxiana*. История и культура. Ташкент, 2004
  17. Буряков Ю.Ф., Грицина А.А. Мавераннахр на Великом Шелковом пути Самарканд-Бишкек., 2006
  18. Буряков Ю.Ф., Грицина А.А. Связи Согда, Усрушаны, Чача на Великом шелковом пути.. Душанбе, 2002
  19. Буряков Ю.Ф., Дадабаев Г. Памятники античного времени в Ташкентском оазисе // *ИМКУ*, 1973, №10
  20. Буряков Ю.Ф., Касимов М.Р., Ростовцев О.М. Ташкент вилоятининг археологик ёдгорликлари. Т., 1975.
  21. Bernard P. Les monnaies hors tresors. Questions d'histoire Greco-bactrienne// *Fouilles d'Ai Khanoum*. IV. Paris, 1985.
  22. Ворожейкина З.Н. (Китаб) Масалик ал-Мамалик ал-Истахрий // Материалы по истории киргизов и Киргизии. М., Наука., 1973

23. Григорьев Г.В. Краткий отчет о работе Янгиюльской археологической экспедиции 1937 г. Ташкент, 1940.
24. Григорьев Г.В. Отчет об археологической разведке в Янгиюльском районе УзССР в 1934 г. Ташкент, 1935
25. Древний и средневековый город Восточного Мавераннахра. Т., 1990
26. Древняя и средневековая культура Чача Т., «Фан», 1979
27. Дуке Х. Туябугузские поселения Бургулюкской культуры. Т., 1982
28. Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы // МИА. 118. М-Л., 1962
29. Збруева А. В. Древние культурные связи Средней Азии и Приуралья // ВДИ. 1946
30. Исомиддинов М., Рапен К. Городище Коктепа и некоторые вопросы ранней урбанизации Самаркандского Согда. // Средняя Азия: археология, история, культура. М., 2000
31. Крашенинникова Н. И. Археологические наблюдения на Чаштепа // Труды ТашГУ. Вып. 172. Ташкент. 1955
32. Литвинский Б. А. Саки, которые за Согдом.-Труды АН Тадж ССР. Т. 1960 .
33. Литвинский Б.А., Окладников А.П., Ранов В. А. Древности Кайрак-Кумов. Душанбе. 1962
34. Маргулан А. Х. Бегазы – дандыбаевская культура // Древняя культура Центрального Казахстана. Алма-Ата, 1966
35. Масон М.Е. Ахангеран. Археолого-топографический очерк., Т., 1953
36. Массон В. М. Древнеземледельческая культура Маргианы// МИА. 73. М-Л., 1959 Аскарлов А., Альбаум Л. И. Поселение Кучуктепа. Ташкент. 1979
37. Оболдуева Т. Г. Погребальные курганы эпохи бронзы в Ташкентской области //КСИИМК, XXIX. М., 1955
38. Сарияниди В. И. Храм и некрополь Тиллятепа. М., 1989

- 39.Смирнов Е.Т. Древности в окрестностях города Ташкента. Средняя Азия. Сб. Статей. Т., 1896
- 40.Согдийские документы с горы Муг. Вып. 2/Пер. и комм. В.А.Лившица. М., 1962
- 41.Страбон. География в 17 книгах. Кн. XI. VIII. 8. М., 1964.
- 42.Филанович М.И. Ташкент: зарождение и развитие города и городской культуры. Т., 1982
- 43.Худу дул олам. Форсчадан Бўриев О. таржимаси. Т.,2008